O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 16-sentabr № 114 (2839) payshanba

# Ҳайрат ва ҳаяжон байрами



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



***Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Республика аёллар спорт фестивалининг тантанали руҳда очилиши, фестивал қатнашчиларининг мусобақаларда кўтаринки кайфиятда қатнашишлари учун яхшигина туртки бўлди. Хонадонлар ободлиги ва фарзандлар камолини таъминлайдиган хотин-қизлар учун ташкил этилган мазкур байрамнинг бошланиш қисмида санъат ва спорт усталарининг қизиқарли чиқишлари, ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт дастури барчанинг кўнглига бирдек шодлик ва қувонч улашганлигини томошабинлар ва қатнашчиларнинг олқишларидан билиб олиш мумкин. Ҳамманинг кўзида қувонч ва ҳаяжон. Ҳа, мазкур фестивални нафақат гўзаллик, балки ҳайрат ва ҳаяжон байрами деб ҳам аташ мумкин.***

*(Давоми 14-бетда)*

# Мардлар майдонда беллашди

## 14-15 сентябр кунлари Термиз шаҳрида ЎзКУФК соврини учун меҳнаткашлар ўртасида республика кураш мусобақасининг якуний босқичи бўлиб ўтди

***Миллий кураш Ўзбекистонда, хусусан, Сурхондарёда энг қадимий спорт турларидан биридир. Миллий кураш санъати ўзининг муайян тарихига эга. Шу боисдан ЎзКУФК аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, миллий спорт турларини ривожлантириш бўйича қатор ибратли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, Баркамол авлод йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган кураш мусобақасининг I-II босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда бўлиб ўтди.***

Мусобақанинг якуний босқичи, 14-15 сентябр кунлари, қадим Сурхон заминининг Термиз шаҳридаги беллашувлар юртимиз полвонлари орасида дўстлик, биродарлик кўприги вазифасини ўтади.

14 сентябр. Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳи байрамона безатилган. Баланд кўтарилган юртимиз байроғи шамолда ҳилпираб, кўзни қувнатади. Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Сурхондарё вилоят ҳокими ўринбосари Парда Мадиев кураш байрами билан барчани қутлаб, полвонлик халқимизга аждодларимиздан қолган улуғ мерос эканини таъкидлаб, иштирокчиларни мусобақада ҳалол курашга чақирди.

Шунингдек, ЎзКУФК жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Баҳодир Тожиев иштирокчиларни кураш байрами билан табриклаб, жумладан, шундай деди:

— ЎзКУФК соврини учун кураш мусобақасининг якуний босқичи Сурхон заминда ўтаётгани бежиз эмас. Бу эл полвонликни боболаридан ўзига мерос қилиб олган. Майдонларда ор талашиб кураш тушган. Ўрол Тўраев, Рустам Эргашев, Тоштемир Муҳаммадиев, Ўткир Қурбонов, Абдулла Тангриев сингари баҳодир ўғлонлар боис ўзбек миллий спорти — кураш халқаро миқёсда тан олинди. Барчамизнинг кўнглимизда ифтихор туйғуларини уйғотди. Ушбу мусобақада юртимизнинг барча полвонларига омад тилайман.

**(Давоми 14-бетда)**

# Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қаипбергенов



Ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адиб Тўлепберген Қаипбергенов 81 ёшида вафот этди.

Тўлепберген Қаипбергенов 1929 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1947 йили мактаб ўқитувчиси сифатида бошлади. Қорақалпоқ давлат педогогика институтини тамомлаганидан сўнг кўп йиллик ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини қорақалпоқ миллий матбуоти ривожига бағишлаб, «Қарақалпақстан жаслары» газетаси муҳаррири, «Қарақалпақстан» нашриёти директори, «Совет Қарақалпақстаны» газетаси муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Радиоэшиттиришлар ва телевидение қўмитаси раиси, Матбуот, полиграфия ва китоб савдоси бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари каби масъул вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилди.

У 1980 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси лавозимида самарали фаолият олиб бориб, қорақалпоқ адабиёти ва санъатини ривожлантириш, ёш шоир ва адибларни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди.

Т.Қаипбергенов жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, бир неча бор Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва Нукус шаҳар кенгаши депутатлигига сайланди.

Тўлепберген Қаипбергенов ўзининг ярим асрдан зиёд давом этган ёзувчилик фаолияти давомида катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Ўз асарларида қорақалпоқ халқининг тарихи, бугунги ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналарини юксак маҳорат билан тараннум этди. Унинг қаламига мансуб «Раҳмат муаллим», «Совуқ бир томчи», «Котиб», «Қорақалпоқ қизи», «Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар» сингари қисса ва романлар, «Қорақалпоқ достони» трилогияси адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Бу асарларнинг аксарияти жаҳондаги кўплаб тилларга таржима қилиниб, бир қатор нуфузли адабий мукофотларга сазовор бўлган эди.

Жонкуяр адибнинг кейинги йилларда эълон қилинган публицистик чиқишларида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, қорақалпоқ заминида амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнини акс эттириш, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини улуғлаш, Орол муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратиш мавзулари алоҳида ўрин эгаллади.

Атоқли ёзувчининг адабиётимизни ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари, «Шуҳрат» медали, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари ҳамда Ватанимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган эди.

Улкан адиб ва жамоат арбоби Тўлепберген Қаипбергеновнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, М.ЕРНИЯЗОВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, Ў.АБДУРАҲМОНОВ**

*Ислоҳот*

## «Cotton roady»нинг дадил одимлари

***Бундан олти йил муқаддам банкротлик арафасида турган «Каштекс» акционерлик жамияти мулкнинг бошқа шаклига ўтказилиб, Ўзбек-Турк-Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди.***

Ислоҳотлар билан қадам-бақадам бориш, уюшқоқлик, янги технологияларнинг дадил қўлланиши ижобий самара берди. Қисқа муддатда кўп сонли жамоа довруғини тиклаб олди.

Ўтган олти ойда ички ва ташқи бозорга чиқарилган маҳсулот 5 млрд. 186,6 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, корхонанинг экспорт ҳажми 112,1 фоизга ўсди. Энг муҳими, 320 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан келган тажрибали усталар маҳаллий ёшларга касб сирларини пухта ўргатганликлари қўл келди. Тикувчилик цехи бошлиғи Гулзор Пирова, ишчилар Мафтуна Ҳасанова, Шоҳиста Бобоназарова каби қизлар бугунги кунда ўз ишларининг моҳир усталари бўлиб етишишди.

Ишчилар учун ҳамма қулайлик яратилган. Ишга келиш ва кетиш транспорт харажатлари корхона ҳисобидан, бепул тушлик ташкил этилган.

Корхонанинг айланма маблағлари ҳисобидан 177,3 млн. сўмлик инвестиция жалб этилди. Қайта ишланган пахта толасидан тайёр буюмлар ишлаб чиқарилаётганлиги, экспорт маҳсулотларининг харидоргирлиги, эътиборга лойиқдир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**



***Касби туманидаги «Кенжабобо Эгамбердиев» фермер хўжалиги 168 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Жамоа жорий йили пахта даласида биринчи бор «Бухоро-102» навли ғўза парваришламоқда.***

Қаҳрамон Кенжаев раҳбарлик қилаётган хўжалик аъзолари 85 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Олтмиш беш гектар ерда етиштирилган ғалладан гектар бошига 62 центнердан сара дон олинди. Айни чоғда пахтазорда мўл ҳосил етиштирилди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳосилдорлик гектар бошига камида 51 центнерни ташкил этиши кутилмоқда.

**Суратда:** «Кенжабобо Эгамбердиев» фермер хўжалиги етакчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Қаҳрамон Кенжаев ўғли Новри Кенжаев билан пахтазорда.

**Ш. Шаропов (ЎзА) олган сурат**

*Матбуот анжумани*

## Ноширлик фаолиятига назар

Кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида нашриётларнинг амалдаги қонунчиликка риоя этиши мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда агентлик масъул ходимлари, нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мустақиллик йилларида ноширлик тармоғини ривожлантириш борасида кўплаб ишлар қилинди. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, ноширлар малакасини ошириш, соҳанинг техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилишга катта аҳамият берилди. Бу эса китоблар савияси, сифатининг ошишига, муҳими, халқаро стандартларга мос равишда ишлаб чиқарилишига олиб келди. 1990 йилда мамлакатда 9 нашриёт фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 101 тага етди. Эътиборли томони, мавжуд нашриётларнинг 52 таси хусусийдир.

Анжуманда эришилган натижалар эътироф этилгани ҳолда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам қайд этилди. Жумладан, ўзининг Низомидаги мақсад ва вазифалари, ихтисослиги бўйича фаолият кўрсатиб келаётган нашриётлар билан бир қаторда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузаётганлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Бунда, биринчи навбатда, лицензиатларнинг соҳага оид қонун ҳужжатларини пухта билмасликлари, шунингдек, миллий китоб бозоримизнинг тўлақонли рақобатбардош иштирокчиси даражасига кўтарила олмаган айрим нашриётларнинг ўз ихтисослигидан четга чиқиб, буюртма адабиётлар кетидан қувиб кетишлари асосий омил бўлмоқда.

Иштирокчиларнинг саволларига мутасаддилар атрофлича жавоб беришди.

**Акмал ЭРГАШЕВ**

## Юрт барқарор бўлсин

*Дил изҳори*

***Умрнинг ҳар лаҳзаси бир китоб. Ўқиганинг сари билмаганингни билиб, танимаганингни танийверасан. Ҳаёт мактабини Оқтов ва Қоратов этагидаги мўъжаз қишлоқларда ўтадим. Қаҳатчилик, уруш даври заҳматлари, хуллас, ҳаммасини кўрдик. Колхоз-совхоз деганларида ҳам роса тер тўкканмиз. Қанча елиб-югуриб ишламайлик, топганимиз қориндан, эгнимиздан ортмаган.***

Олти ўғил, тўрт нафар қизни ана шу тахлитда улғайтирдим. Фарзандларим, набираларимга қараб ҳавасим келади. Негаки, улар яшаётган замон билан бизнинг давримиз орасида осмон билан ерча фарқ бор. Илгари одамлар Челакнинг бозорига бориш учун бир неча кунлаб вақт йўқотарди. Ҳозир кўз очиб юмгунча кўзлаган манзилдасиз. Тўкинчиликни айтмайсизми! Мактаблардаги шароит-чи? Хуллас, биз кексалар учун буларнинг барчаси бир мўъжиза.

Юртбошимиз Фармони билан «Шуҳрат» медали билан тақдирланганимдан бошим кўкка етди. Ахир биздек қарияларни ҳам ёддан чиқармасдан рағбатлантириб, кўнглини кўтарадиган юрт яна қаерда бор?! Ана шу қадр-қимматнинг, эътибору эъзознинг ҳам қадрига етмоқ керак. Яратгандан элимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва ободлигини тилаб қўлимиз ҳамиша дуода.

**Оппоқой СОИБОВА,**
**Пайариқ тумани Накурт маҳалласида яшовчи юз ёшли онахон, «Шуҳрат» медали соҳиби**

*Тадорик*

***Тошлоқ пахта тозалаш корхонаси очиқ акциядорлик жамияти жорий йил пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга шай қилиб қўйилди.***

## Мавсумга шай

Бу йил корхона Тошлоқ ва Қўштепа туманларидаги 480 та фермер хўжалиги билан 41 минг тонна хомашё етказиб бериш юзасидан шартнома имзолади. Пахтани қайта ишлаш ва 7 та қабул қилиш пункти, қабул қилиш ва узатиш механизмлари, ҳаво сўргич вентиляторлар, пахта қуритиш барабанлари ва бошқа керакли механизмлар мавсумга ҳозирланди. Йиғим-терим мавсуми учун 45 мингдан зиёд терим этаклари, 1200 та прицеп чойшаби (автоёпқич), самовар, сув баклари, 130 та кичик тарози етказиб берилди. Тизимдаги мавжуд трактор ва тиркамалар ҳам фермерларга кўмакдош бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастурига асосан корхонада реконструкция қилиш ишлари охирига етказилди.

Бу ерда пахта ҳосилини йирик ва майда ифлосликлардан тозаловчи «УХК» ускунаси, атроф-муҳитни муҳофазалаш мақсадида чанг ва ифлосликларни ушлаб қолувчи механизмлар, момиқ ажратишга ихтисослашган замонавий ускуналар ўрнатилди. Корхона қошидаги пахта қабул қилиш маскани замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шунингдек, ошхона, тиббий хизмат кўрсатиш тармоғи, дам олиш хоналари таъмирланиб жиҳозланди. Бу эса корхонада пахта ҳосилини қабул қилиш ва сифатли тола олиш имкониятини беради.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Ислоҳот инсон учун

***Муборак шаҳри қадимдан баракали, саховатли маскан сифатида таърифланади. Ўтмишда муборакликлар асосан чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Қоракўл терисининг довруғи жаҳонни тутган. Европанинг қатор шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларда Муборак қоракўли нодир хом ашё сифатида баҳоланган.***



Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида Муборак замини сир-синоатини инсонга очди. Бу ерда жуда катта ҳажмда нефт, газ, олтингугурт захиралари мавжудлиги маълум бўлди. Ана шу халқ бойлигини ўзлаштириш, уни одамлар манфаатига хизмат қилдириш учун ташкил этилган дастлабки корхоналардан бири Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси эди. Йиллар давомида корхона ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам ташкилий жиҳатдан самарали йўлни босиб ўтди. Корхона таркибидан ажралиб чиққан 20 дан ортиқ катта-кичик ташкилотлар чўл бағрида иш бошлади. Посёлкалар, аҳоли пунктлари, маданий, маъмурий, ижтимоий соҳа иншоотлари барпо этилди.

Шундай яратувчилик ишларининг амалга оширилишида, бунёдкор кишилар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси бўлган касаба уюшмасининг алоҳида ҳиссаси бор. Ўзининг тарихи ва анъаналарига эга бўлган корхона касаба уюшма қўмитаси 1972 йилда ташкил этилган. Бугун 4157 нафар аъзони уюштирган ҳолда фаолият кўрсатаяпти.

— Ходимлар учун шароит яратишга, ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояланишига, иш ҳақининг ўз вақтида тўлаб борилишига ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шарофжон Раҳматов. — Касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳар икки йилда бир марта қабул қилинадиган жамоа шартномаси орқали тартибга солинади. Корхонада жамоа шартномаси осонликча қабул қилинмайди. Унинг ҳар бир банди қизғин муҳокама, баҳс-мунозарага сабаб бўлади.

Шароф Раҳматов — олий маълумотли маданият ходими. 1982 йил Тошкент Давлат маданият институтини тамомлаган. Ўтган даврда ҳокимият тизимида, вилоят маданият муассасаларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 2007 йилдан бошлаб «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланган. 2010 йилги ҳисобот-сайлов йиғилишида уни қайта сайлашди.

Ҳозир Амалдаги жамоа шартномамиз 2008 йилда жорий қилинган эди. Унда олдинги йиллардагидан фарқли равишда ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга мўлжалланган бир қатор янги бандлар ўз аксини топган. Масалан, янги турмуш қурадиган йигит-қизлар никоҳдан ўтиш олдидан энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида, суннат тўйи бўладиган оилага 6 баробари миқдорида, касаба уюшма аъзоларининг 50, 60, 70 ёшлик тўйларида бир ойлик маоши миқдорида мукофот пуллари берилиши жамоа шартномаларига алоҳида банд қилиб киритилди.

Мазкур ҳужжатда хотин-қизлар учун қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратишга, уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан Президентимиз томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, икки ёшга тўлмаган болалари бор оналарга ҳар уч соатда 40 минутдан танаффус берилади.

Хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларимиз энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баробари миқдорида мукофот пули олишади. Шунингдек, меҳнат фаолиятига 20 йил тўлиши муносабати билан, узоқ йил узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларни рағбатлантириш, вахта усулида ишлайдиган хотин-қизлар учун алоҳида меҳнат шароитлари яратиш, имтиёзлар қўллаш жамоа шартномалари орқали амалга оширилаяпти.

Корхонага қарашли ўта зарарли конларда ишлайдиган ишчи-хизматчилар учун бериладиган сут-қатиқ маҳсулотлари, чой, совун ва бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур ашёлар таъминоти касабақўмнинг алоҳида назоратига олинган. Ёз жазирамасида узоқ конларга олиб бориладиган маҳсулотлар ўз вақтида манзилга етказилмаса, уларнинг сифати бузилиб, кутилмаган кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

— Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида гап кетганда кўп ҳолларда жамоа шартномасига киритилган бандларнинг бажарилиши ҳисобга олинади, — дейди корхона ижтимоий ривожланиш бўлими бошлиғи Т.Мирзаев.

Ҳақиқатдан ҳам касаба уюшмаси фаоллари томонидан жамоа шартномасининг бажарилиши алоҳида назоратга олинган. Лекин ундан ташқари ҳам одамларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан ўнлаб тадбирлар амалга оширилаяпти. Касабақўм фаолиятининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, корхона ҳаётида, жамоатчилик ишида фаол қатнашадиган, ишлаб чиқаришда ютуқларга интиладиган ходим ва мутахассислар меҳнати алоҳида ҳисобга олинади.

Хуллас, касабақўм ҳар бир ходимнинг меҳнатини, ижобий фазилатларини қадрлаб рағбат кўрсатади. Бу эса ишчи-хизматчиларнинг фаол ва ташаббускор бўлишига туртки бераяпти.

Ҳар йили «Хотира ва қадрлаш куни»да ишлаб чиқариш, уруш фахрийлари учун дастурхон ёзилиши анъанага айланиб қолган. Касаба уюшма қўмитаси ташкилотчилигида ўтадиган мана шу тадбирга таниқли лекторлар, вилоят тараққиётига катта ҳисса қўшган собиқ раҳбарлар, вилоят «Нуроний» жамғармаси кенгаши аъзолари ҳам таклиф қилинади. Тарих, мустақиллик ва келажак, маънавият ҳақида ўтказиладиган суҳбатлар ёшларда катта таассурот қолдираяпти.

Кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган кекса авлод вакилларининг инсонни, ҳаётни, мустақил Ватанни қадрлаш ҳақидаги суҳбатлари ёшларни ҳаётга тийрак кўз билан қарашга, қийинчиликлар олдида журъатлироқ бўлишга ундамоқда.

Умуман олганда, корхонада маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ёшлар онгига мустақиллик ғояларини сингдириш борасида юқорида таъкидланганни каби яхши тажриба тўпланган. Ҳамма учун севимли масканга айланиб қолган «Манавият-маърифат хонаси» касаба уюшма фаоллари томонидан жиҳозланган. Бу ердан Давлатимиз рамзлари ва уларнинг таснифлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ислоҳотлар ҳақидаги материаллар, Президент асарлари, корхона тарихи ва бугунги кунини акс эттирувчи кўрсаткичлар, «Касаба уюшмаси бурчаги» ўрин олган.

Корхона ишчи-хизматчилари ўртасида ўтказилаётган «Менинг оилам», «Она ва бола», «Санамлар сарвари», «Мен бахт топган жамоа», «Ўзбекистон менинг Ватаним» каби кўрик-танловлар миллий урф-одат ва анъаналарни ўрганиш, оммалаштириш ва янгича мазмун билан бойитишда, ходимлар ўртасида янги истеъдодларни кашф этишда беқиёс аҳамият касб этмоқкда.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан мана шу каби тадбирларнинг ўтказилишига катта масъулият билан ёндашилаётганлиги туфайли корхона вакиллари Ўзбекистон ёқилғи, энергетика комплекси, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан Тошкент, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида ўтказилган Республика босқичларида бир-неча бор спортнинг энг оммавийлашган турлари бўйича ғолибликка эришдилар.

Муборакда спорт ҳақида гап кетганда, албатта, сизга Баҳром Вафоев ҳақида гапириб беришади. Ҳозирги Муборак шаҳрининг атрофи ёввойи буталар, ёвшанзору қумтепалар билан қопланган ўтган асрнинг 60-йилларида Муборакнинг маҳаллий футбол командаси бўлишини орзу қилган Баҳром йиллар ўтиб, ўзининг орзу армонлари ушалишини, ҳатто Муборакда футбол академияси фаолият кўрсатишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак.

Спортнинг футбол турини жон-дилидан севган Баҳром ўз тенгқурларини тўплаб, кичик жамоа ташкил этади. Тузукроқ стадион, мусобақалар ўтказиш учун шароит бўлмагач, йигитлар жамоани тарк эта бошлашади. Бундан қаттиқ таъсирланган Баҳром бор маблағини сарфлаб қум барханлари ўрнида оддийгина стадион барпо этади.

Теп-текис майдон ва чўп дарвозалардангина иборат бўлган стадион кўп ўтмай мубораклик ёшларнинг севимли масканига айланади. Ўшанда илк бор Муборакнинг футбол жамоасига асос солинган эди. Лекин кўп ўтмай спорт жонкуяри тўсатдан оламдан ўтади. Орадан бир неча ўн йиллар ўтгач, Баҳромнинг стадиони ўрнида 10 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган, барча қулайликларга эга бўлган ҳашаматли стадион барпо этилиб, унга спорт жонкуяри Баҳром Вафоев номи берилди.

Муборакнинг Республика олий лигасида тўп сураётган «Машъал» командаси ихтиёрига берилган мазкур стадионда ҳар йили футбол мавсуми Баҳром Вафоев хотира турнирининг очилиши билан бошланади.

— Аҳоли ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларидан бирини ташкил этади, — дейди қўмита раиси Ш.Раҳматов корхонанинг спорт комплексидаги шароитлар билан таништирар экан. — Стадион қошида фаолият кўрсатаётган футбол академиясига энг истеъдодли ёшлар танлаб олинаяпти. Иссиқ иқлим шароити учун ниҳоятда зарур бўлган сузиш ҳавзасига келиб чўмилаётган болаларнинг шодлигига шерик бўлиб, қалбингизга илиқлик югуради.

Спорт комплексида фаолият кўрсатаётган 10 га яқин тўгаракка энг малакали мураббийлар жалб этилган. Айни пайтда мазкур тўгаракларда корхона ишчи-хизматчилари ва муборакликларнинг 300 нафардан ортиқ фарзанди бепул шуғулланишади. Касаба уюшмаси ташаббуси билан иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш чоралари кўрилаяпти.

Корхона ишчи-хизматчилари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида касаба уюшма қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида мавзу. Оғир ва соғлиқ учун зарарли шароитда ишловчи ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун ҳар йили жамоа шартномасига мувофиқ маблағ ажратилади.

Китоб туманининг хушманзара тоғли ҳудудида корхонанинг «Ёш алангачи» болалар оромгоҳи жойлашган. Мустақиллик йилларида оромгоҳ замонавий лойиҳа асосида бутунлай қайта қурилди. Оромгоҳнинг болалар ётоқхоналари, ошхонаси, сузиш бассейни, спорт майдончаларидаги шароитларни халқаро меъёрлар даражасида дейиш мумкин. Бу ерда ҳар йили ёз ойларида нефт-газ саноати ходимларининг 3 минг нафарга яқин фарзанди соғломлаштирилаяпти.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан бундан бир неча йил илгари оромгоҳни йил давомида фаолият юритишини йўлга қўйиш, сентябр-апрел ойларида корхона ҳисобидан ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш ҳақида режа ишлаб чиқилиб, маъмуриятга тавсия этилган эди.

Касабақўмнинг бу таклифи қўллаб-қувватланди. Ўтган 3 йил ичида 2,5 минг нафар ходим Қайнар тоғлари бағридаги мана шу баҳаво гўшада соғломлаштирилди. Касабақўмнинг бу ташаббуси корхона учун жуда катта иқтисодий фойда келтираяпти. Чунки инсон соғлиги пул билан ўлчанмайди.

Бугун «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси жамоаси томонидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчилик ишларини қисқагина қилиб, мўъжизага қиёс қилиш мумкин. Ана шу мўъжиза яратаётган меҳнат аҳлининг ютуқларида эса уларга ҳамкору ҳамдаст бўлаётган касаба уюшма қўмитасининг ҳам алоҳида ҳиссаси борлиги ҳақиқатдир.

**Исмат ОЧИЛОВ,**
**журналист**

Ishonch 2010-yil 16-sentabr
№ 114 (2839)

## «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

# Интилиш, изланиш ва самара

***Тошкент Давлат техника университетида юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш анъанаси яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 1962 йили «Электроника ва автоматика» факултети негизида ташкил этилган «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедраси фаолияти фикримизни тасдиқлайди. Ҳозирга қадар кафедра 5000 дан ортиқ малакали мутахассисларни тайёрлаган бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Бу ердаги ёш олимларнинг изланиши келажакда саноат корхоналарининг техник ва технологик жиҳатдан янада такомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.***

### Ҳавас мақсадга айланди



Бола орзуларга берилувчан бўлади. Орзулар ўз навбатида келажакдаги мақсадини аниқлаштириб олишга ёрдам беради. Истеъдод ва меҳнатнинг зое кетмаслиги, ўзи ёқтирган касбни танлашга замин яратади.

Орифжонда ҳам болалигиданоқ техникани ўрганишга катта қизиқиш уйғонди. Бунда газета, журнал ва телевидениеда берилган соҳага доир янгиликлар катта аҳамият касб этди. Ҳозирда техника ва технология жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса ушбу соҳани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш заруриятини юзага келтирди ва соҳа мутахассисларига эҳтиёж ортишини таъминлади. Буларнинг ҳаммаси Орифжоннинг шу касбни танлашига сабаб бўлди.

У 1996 йил Ғузор туманидаги А.Ҳайдаров номидаги лицейни муваффақиятли тугатиб, Тошкент Давлат техника университетининг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» йўналишига ўқишга кирди. 2002 йил «Бошқариш ва ахборотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари» мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлагач, ТошДТУ «Электроника ва автоматика» факултетининг «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедрасига аспирантурага қабул қилинди. У ерда техника фанлари доктори, профессор Ҳусан Эгамбердиев раҳбарлигида «Адаптатив филтрлаш концепциялари асосида динамик бошқарув объектлари ҳолатини турғун баҳолаш алгоритмлари» мавзуида изланиш олиб борди. Номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, 2008 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Дарвоқе, у илмий ишлари натижалари билан республика ва халқаро (Киев, Санкт-Петербург, Корея, Германия) илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашиб келади. Жумладан, илмий изланишлари юзасидан «Автоматика — 2004» (Киев, 2004), «World Conference on Intelligent System for Industrial Automation (b-Quadrat Verlag)» — WCIS-2004, 2006 (Tashkent, 2004, 2006), «Инновация — 2005» (Тошкент, 2005), «Математические методы в технике и технологиях» — ММТТ-18 (Қозон, 2005), ММТТ-19 (Воронеж, 2006), «Современное состояние и перспективы развития энергетики» (Тошкент, 2006) халқаро илмий-техник анжуманлари; «Современные проблемы математического моделирования» (Нукус, 2005), «ISTIQLOL» (Навоий, 2007), аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжуманларида (Тошкент, 2007) маърузалари билан иштирок этди. Умуман, илмий фаолияти давомида 60 дан




зиёд илмий иши чоп этилди. Унинг фаоллиги муносиб эътироф этилди. ТошДТУнинг «Энг яхши аспирант» танловининг ғолиби бўлди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар Маркази томонидан ўтказилган Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланган танловда «Автоматлаштириш технологиялари ва бошқарув» йўналиши бўйича фан ва таълим соҳасида эришган муваффақиятлари учун ғолиб бўлиб, махсус дипломга сазовор бўлди.

— Изланишларим давомида системали таҳлил ва динамик фильтрлаш концепциялари ҳамда нокоррект масалаларни ечиш усуллари асосида динамик бошқарув объектлари ҳолатини турғун баҳолаш алгоритмларини ишлаб чиқдим, — дейди Орифжон Зарипов. — Ишимизнинг амалий аҳамияти адаптив филтрлаш ва технологик объектларнинг кенг синфини бошқариш системаларини синтезлаш масалаларининг математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

Яъни ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни бошқариш мобайнида турли ички ва ташқи таъсирларга учраши, жумладан, бунда дастлабки маълумотларнинг етишмаслиги каби ҳолатларга дуч келиши мумкин. Бунинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида бошқарув тизим дастурларини ишлаб чиқиш (синтезлаш) учун математик усуллардан фойдаланилади. Шунга кўра, ишлаб чиқилган алгоритмлар узлуксиз характердаги технологик жараёнларни бошқаришнинг адаптив системаларини лойиҳалашни автоматлаштириш ва функционал структурасини қуришда кенг қўлланилиши мумкин. Ишнинг янгилиги адаптив филтрлаш концепциялари асосида динамик бошқарув объектлари ҳолатини турғун баҳолаш алгоритмларини ва уларнинг амалий тадбирининг ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқаришга қаратилган.

Тадқиқот натижалари технологик жараёнларни адаптив бошқариш системасини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ишларида татбиқ этишга тавсия этилган. Шунингдек, изланиш натижалари узлуксиз ишлаб чиқариш характерига эга бўлган кимё корхоналари ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқларида фойдаланилиши мумкин.

Айни кунда Орифжон илмий изланишларини докторантурада ҳам давом эттираётир. Унинг келажакдаги орзулари катта: юртимиз илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш.

### Ҳаммаси олдинда



Касби туманида туғилиб вояга етган Жасур Севинов 1997 йил ТошДТУ талабасига айланди. 2003 йилдан «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедрасига аспирантликка қабул қилинди. Айни кунда ТошДТУ «Автоматлаштириш ва бошқарув» кафедраси катта ўқитувчиси. Унинг номзодлик иши «Мунтазамлик тамойили асосида созланувчи моделли адаптив бошқариш системаларининг синтезлаш алгоритмлари» мавзуида бўлиб, техника фанлари доктори, профессор Ҳусан Эгамбердиев раҳбарлигида изланишлар олиб борди. Интилиш бесамар кетмади, албатта. 2008 йил техника фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

Аслида, динамик системаларни адаптив бошқариш алгоритмлари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотларга тегишли бўлган сўнгги йиллардаги адабиётларнинг илмий-техник таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганидан дарак беради. Турли даражадаги дастлабки ноаниқлик шароитларида ишловчи юқори самарали адаптив бошқарув системаларини қуришнинг усуллари мавжуд ва ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, мослашувчанлик алгоритмларини синтез қилиш масаласи билан боғлиқ бўлган саволлар тўла ечилмасдан қолмоқда. Нима бўлганда ҳам, технологик жараёнларни бошқариш алгоритмлари ҳам худди инсон организмига ўхшайди. Турли омиллар сабаб кутилмаган ҳолатлар юз бериши эҳтимоли бор. Бунда бошқарув алгоритмларининг мунтазам синтезланиши (ислоҳ этилиб, янгиланиб бориши) жуда муҳим.

— Тадқиқотимдан мақсад мунтазамлик тамойили асосида созланувчи моделли адаптив бошқариш системаларининг синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришдаги аниқ технологик жараённинг автоматлаштириш масалаларини ечишда қўллашдан иборат, — дейди Жасур Севинов. — Баҳолашнинг мунтазам процедурасидан фойдаланиш ҳисобига созланувчи моделли адаптив бошқариш системаларининг ишлаши ва иш қобилияти жараёнининг сифатини ошириш мумкин.

Диссертация мавзуси юзасидан «World Conference on Intelligent System for Industrial Automation (b-Quadrat Verlag)» — WCIS-2004, 2006, 2008 (Tashkent, 2004, 2006, 2008), «Инновация-2005» (Тошкент, 2005), «Математические методы в технике и технологиях» — ММТТ-18 (Қозон, 2005), ММТТ-19 (Воронеж, 2006), «Техника и технологии связи» (Тошкент, 2008) талаба, аспирант ва ёш мутахассисларнинг халқаро илмий-амалий анжумани; «Интегральные уравнения-2009» (Киев, 2009), «Актуальные проблемы механики и горного машиноведения, развития науки и интеграции ВУзов» (Ўш, 2009) халқаро илмий анжуманларида; «Современные проблемы математического моделирования» (Нукус, 2005), «ISTIQLOL» республика илмий-техник анжумани (Навоий, 2007, 2008), «Энергия ресурсларини тежашда алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш — муаммолар ва ечимлар» (Қарши, 2008) ҳамда аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг (Тошкент, 2007) республика илмий-амалий анжуманларида маърузалари билан қатнашди. Тадқиқотлар натижасига кўра 40 дан зиёд илмий мақола, шу жумладан, улардан 20 га яқини илмий журналларда чоп этилган.

Диссертацияда системали таҳлил усули, баҳолаш назарияси, идентификациялаш, динамик филтрлаш, адаптив бошқариш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечиш усуллари асосида созланувчи моделли адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг конструктив мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Мунтазамлик тамойили асосида созланувчи моделли адаптив бошқариш системаларининг синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларни саноат ишлаб чиқаришдаги аниқ технологик жараёнининг автоматлаштириш масалаларини ечишда амалий қўллашдан иборат.

Иш натижаларининг амалий аҳамияти технологик бошқарув объектларнинг кенг синфини адаптив бошқариш системаларида параметрик идентификациялаш ва бошқарув таъсирларини синтезлаш масалаларининг математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқишдан иборат. Таклиф қилинаётган ёндашув автоматлаштиришнинг техникавий воситалари ва замонавий ЭҲМ ёрдамида осон амалга ошириладиган баҳолаш, идентификациялаш ва адаптив бошқариш усуллари ва алгоритмларини қўллаш имкониятини беради.

Натижалар технологик жараёнларни адаптив бошқариш системасини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалаш ишларида қўллаш учун қабул қилишга тавсия этилган. Шунингдек, узлуксиз ишлаб чиқариш характерига эга бўлган кимё корхоналари ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқларида фойдаланилиши мумкин.

**Акмал ТОШЕВ**

***«Ҳар бир кишида ҳаёт гули бор. Уни парваришлаш, вояга етказиш инсон учун муҳимдир. У одамзотнинг мақсадларини бирлаштиради, ҳар бир қадамида буюк ғоялар сувратини акс эттиради. Бу яхшилик гулидир. Айни шу муқаддас гулни бошқаларга ҳам беринг. Қалбларида авайлаб ўстиришсин, тароватидан баҳра олишсин», — дейди Кунчиқар маҳалласида яшовчи саксон ёшли Ҳазрат Хуррамов.***



# Ҳаёт гули

### Миллион дона совға

Кундан-кунга гўзаллашиб бораётган Қарши шаҳрининг турли ҳудудларига экилган бир-биридан чиройли гуллар бугун ажиб манзара кашф этган. Айтиш лозимки, деярли ўн етти йилдан буён гулчилик билан шуғулланиб келаётган Ҳазрат Хуррамов жорий йилда ҳам шаҳримиздаги ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшди. 41-мактаб боғида у ўстирган 17 турдаги 1 миллион гул кўчати апрель-май ойларида шаҳар мактаблари, болалар боғчалари ҳамда коллеж ва лицейларга ўтқазилди. Айниқса, турфа рангли гуллардан «Нуристон» академик лицейи, Қарши Олимпия захиралари спорт коллежи, Ахборот технологиялари ва тиббиёт коллежи ҳудуди янада гўзаллашди.

### Гуллар саратонни даволайди

— Маълумки, кўҳна Қарши шаҳри узоқ тарихга эга. Бундан 2700 йил илгари ҳам шаҳримизда гул бозори бўлган, — дейди Ҳ.Хуррамов. — Аслида гул ўстирадиган одам уларнинг фойдали хусусиятларидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Масалан, лапуғ ўсимлигининг барги, пояси ва гулидан тайёрланган дамлама эркаклардаги оденома, аёллардаги миома касалликларини даволашда қўлланилса, гулхайри илдизидан ва уруғидан тайёрланган дамлама билан Ибн Сино йўтал, қон тупуриш, зотилжам ва буйрак касалликларини даволаган.

Яна бир муҳим жиҳати, «Олтин ус» (Золотой ус) ўсимлигидан саратон касаллигини даволашда фойдаланиш мумкин. Бу ўсимлик 70-120 см. гача ўсганида вояга етган ҳисобланади. Аслида дунёдаги гулларнинг 80 фоизи шифобахш хусусиятга эга. Масалан, тоғрайҳон июн-август ойларида гуллайди. Унинг таркибида 2,2 фоиз эфир мойи, 6,8 фоиз тонид моддаси, микроэлементлар, органик кислоталар ва С витамини бор. Тоғрайҳон ўтидан тайёрланган дамлама шамоллаш билан боғлиқ бўлган барча касалликларга тавсия этилади. Шунингдек, у меъда-ичак фаолиятининг сустлигида, умумий дармонсизликда ҳам даво сифатида фойдаланилади.

### Йилига беш миллион даромад

— 1998 йилдан буён гул ўстираман, — дейди отахон. — Уларни парваришлаш учун 1 сотих ер ажратганман. Бу жойда 50 турдаги чет эл ва маҳаллий гулларни экиб, парваришлаяпман. Ҳар йили 5 миллион сўмга яқин даромад қиламан. Ҳозирга қадар 10 мингдан ортиқ гулларим шаҳримиз хонадонларига кириб борди. Турмуш ўртоғим Барака Умарова билан ўн нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. 32 неварам бор.

Ҳар куни эрта тонгданоқ гулларни суғораман. Эрталаб гуллар янаям яшнаб кетади.

Хонаки гуллар асосан дераза токчаларида, гул туваклари қўйиладиган махсус мосламаларда туради. Гуллар уй ҳавосини тозалаши билан бирга, киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Боғ шароитида ерда узлуксиз намлик бўлса, гуллар тез ривожланади.

### Умр мазмуни

— Яқинда шаҳар маҳаллалари бўйлаб гул сотиб юрганимда, бир аёл келиб, экилганига саккиз ой бўлган геран гулининг нархини сўради, — ҳикоя қилади отахон. — Айтдим. Аёл иккинчи куни ҳам келиб гулни томоша қилиб, яна қайтиб кетди. Ниҳоят, учинчи куни аёлнинг гулга пули етмаётгани, лекин уни олишни жудаям хоҳлаётганини сездим ва геран гулини унга совға қилдим. Шунда унинг қувончини кўрганингизда эди... Айни лаҳзада у ўзи ёқтирган гулни қўлга киритганидан, мен эса гулим бошқаларга маъқул келганидан мамнун эдим.

Эмпириклар (ҳиссий идрокни, тажрибани билимнинг бирдан-бир манбаи деб биладиган фалсафий таълимот намояндалари) чумолига ўхшаб фақат манба тўплаш билан овора бўладилар ва шу тўпламдан фойдаланадилар. Ақидапарастларнинг ҳаракати ўргимчакни эслатади. Улар ўзлари учун тўр ясайдилар. Асалари эса бошқача йўл танлайди. У боғ ва далалардаги гуллардан бол йиғади. Тўплаган болини уқуви ва мақсадига мослаб қайта ишлайди. Назаримда, ҳақиқий умр кечиришнинг моҳияти ҳам мана шунга ўхшайди.

**Асрор АЛЛАЁРОВ**

# Гўзаллик рамзи

***Гуллар — гўзаллик ва муҳаббат рамзи. Инсон зоти борки, турфа гуллар оғушида ўзини бахтиёр сезади. Қарангки, гуллар нафақат чиройи, балки шифобахш хусусиятлари билан ҳам инсонга ором бағишларкан.***

Жасмин муаттар ҳиди билан одамга тетиклик бахш этиб, меҳнат қобилиятини оширса, ошиқлар тумори бўлмиш атиргул юракдаги ғамни қуваркан. Унинг ифори умрни узайтириб, инсонга тетиклик бахш этиши ҳам табобатда ўз исботини топган. Ҳатто миттигина бинафша ҳам ўзига хос атри билан мияни қувватлантириб, руҳга осойишталик беради.

— Гуллар дунёнинг энг гўзал мўъжизаларидир, — дерди ҳар гал мактаб гулзорига кирганимизда ботаника ўқитувчимиз Файзулла Иноятов. — Ҳовлисида бир туп гул ўстирмаган кишини дунё гўзаллиги ва мўъжизаларидан бебаҳра ўтаётган одам деб ўйлайман. Қаранг-а, қора тупроқдан турфа гуллар бунёд бўлади, уларнинг атри ҳам ўзига хос.

Ана шу муаллимимизнинг қизи Моҳирахон биз билан бир синфда ўқирди. Уни-буни баҳона қилиб, ҳар куни уларнинг хонадонига борардик. Муаллимнинг ҳовлиси нақ жаннатдек кўркам ва гўзал эди. Турли-туман гуллар дарвоза олдидан бизни ўзига маҳлиё этар, дугонамиз уларни ҳар бирига алоҳида таъриф берарди. Ичкари ва ташқари ҳовли, боғ ҳам гуллар чиройидан ороланган бўларди. Болалик тасаввуримча, жаннатни уларнинг хонадонига қиёслаб хаёл сурардим. Муаллимимиз ҳозир нуроний ёшда бўлса ҳам ҳамон гул парваришлайди. Шофиркон туманидаги Болтақара қишлоғи аҳолиси қатори минглаб гул ишқибозларига кўчатлар етказиб беради. «Яна бир хонадонга гўзаллик ва соғлик улашдим» деб қувонади.

Мамлакатимизда Файзулла ота каби гул шайдолари жуда кўп. Уларнинг хонадонларга кирсангиз, йилнинг тўрт фаслида ҳам хонаки гуллар гуркираб турганига ҳавасингиз келади. Беихтиёр сиз ҳам гул ўстиргингиз келади.

**Амина ҚОДИРОВА**

# Ёрмат чавандознинг невараси

Авжи баҳорда жонбўзсойлик Мамарайим фермер катта тўй қилиб кўпкари берди. Кўпкари дарагини эшитган ҳамон қирга биров отда, биров машинада йўл олди. Ахир ҳазилми, тўйга қўшни туманлардан ҳам манаман деган чавандозлар келишган. Ниҳоят, ҳамма йиғилгач, кўпкари бошланди. Ҳадеганда, улоқ чиқавермади. Охири «кетди», «кетди» деган ҳайқириқлар, «Эшонқулда кетди», «Балли, полвон» деган олқишлар янградi.

Эшонқул дегани ёши элликдан ошган, баланд бўйли, кўркам киши. Касби — муаллим. Мактабда адабиётдан дарс беради. Дил кетса, дўстлари даврасида рубоб чертиб, ҳазрат Навоийнинг машҳур «Қоши ёсинму дейин...» деб аталувчи ғазалини ширали овоз билан маромига етказиб куйлайди. Аммо Эшонқул муаллим эл-улус орасида чапдаст чавандозлиги билан танилган. Мана ўттиз йилдан ошдики, улоқ чопади. Чопганда ҳам қойиллатиб чопади.

— Оилада ёлғиз ўғилман, — дейди Эшонқул Алимов суҳбат чоғида. — Отга ишқибозлик менга отамерос. Отам умр бўйи от миниб, йилқи боқиб ўтди. Катта кўпкаридан биринчи марта саккизинчи синфда ўқиётганимда улоқ айирганман. Эсимда, Алимардон бобонинг тўйи эди. Отам кўзларида ёш билан ёнимга югуриб келди. Кечқурун энам эшон бободан тумор олиб, бўйнимга тақди. Энамнинг айтишича, бобомни Ёрмат чавандоз деб аташар, Чиял элида тўй, кўпкари бобомсиз ўтмас экан. Устига-устак бобом тўйларда дўмбира чертиб, Гўрўғли ва Алпомишдан айтар экан. Кўкдаладаги тўйда бир кекса одам ёнимга келиб: «Полвон, кимлардан бўласиз?» — деб сўради. Мен айтдим. «Эй, сен Ёрмат чавандознинг невараси экансан-ку. Анчадан бери кимгадир ўхшатиб ўтирувдим-а. От чопишинг Ёрматнинг ўзи-ку, оққан дарё оқаркан-да», — деганди ўшанда.

Вақт дегани тизгинсиз экан. Мактабни тугатиш арафасида унча-мунча кўпкариларда танилиб қолдим. Бахтимни синай деб пойтахтга дўхтирликка ҳужжат топширдим. Балл етмади. Сўнгра эл қатори аскар бўлдик.



Ишонасизми, ўша олисда ҳам кечалари тушимга отим, кўпкари кириб чиқарди. Яратганга шукрким, кўпкарига бориб, қуруқ қайтганим йўқ.

Аммо ҳақиқий чавандоз ҳеч қачон зот учун майдонга кирмайди. Чавандоз эл-юртнинг орияти, шаъни учун курашади.

Чавандоз от билан тирик. От — унинг сирдоши ва қаноти. Асл чавандоз ҳеч қачон отни зўрлаб сирдовга киритмайди. Пайти келади, ҳақиқий бедов жиловини тортсангиз ҳам сирдовга киради, эгасига улоқни тақимга босмоқликка имкон яратади ва «чув жонивор» деб ҳайқиришини маҳтал кутади.

Кўпкари — қалтис ўйин. Бойсунда бир кўпкари бўлувди. Манаман деган полвонлар от сураяпти. Зот — ҳўкиз. Улоқни тақимга босиб ҳайдайман. Ёнбошдан биров илашади. От қўйиб кетаяпмиз денг, тепаликка чиқиб кетдик. Абжир йигит экан, ҳеч ажралай демайди. Остимда Алланазар аканинг қашқаси.

Сўнг пастладик. Бехос катта жарлик устидан чиқиб қолдик, жиловни буришнинг иложи йўқ. «Қўйиб юбор» деб жон ҳолатда товуш қилдим. Сўнг ишонсангиз, ўзимни осмону фалакда ҳис қилдим. Кўзимни очсам, жарликнинг бу тарафида турибман. Тақимимда улоқ. Калима қайтариб, от бўйнидан қучоқладим. Одамлар келиб ўраб олишди. Оғайнилар, отлар учади, тулпорларнинг қаноти бор, деса ишонинг! Ишонмаган олдимга келсин. Бахшиларимиз бекорга Ғиркўк, Бойчиборнинг қанот боғлаб учганини мадҳ этишмаган экан.

Ҳеч ким энадан чавандоз бўлиб туғилмаган. Бунинг учун муттасил тарбия лозим. Элимиздан бир пайтлар Ўроз, Эшмамат, Мирза, Турди, Жуманазар деган чавандозлар чиқиб, уларнинг ҳар бир ҳаракати ҳақиқий маҳорат мактаби бўлганди.

Эшонқул ҳам шу мактабда таълим олган чавандозлардан. Мардлик, ҳалоллик, тантилик қонида бор. У ҳар бир зотни ҳалоллаб олади, улоқни ҳалол чопади. Мактабда ҳам дарсни ҳалоллик, тантилик билан таҳлил этади, баҳолайди.

Қадимги туркий битикларда эр киши учун уч нарса — кенг юрт, оқила аёл ва учқур улов лозим, дейилган. Эшонқул чавандозда ҳар учаласи мавжуд. Ўзбекистондай озод юрти, Хурсанойдай оқила аёли, учқур бедов оти, қолаверса, Шамсиддин, Нилуфар, Нажмиддиндай дилбандлари, садоқатли шогирдлари ва юзлаб мухлислари бор.

**Ўролбой ҚОБИЛ**

Ishonch 2010-yil 16-sentabr
№ 114 (2839)

Қонунчилик палатасида



**Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг ташаббуси билан БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг боришини ўрганишга, мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти соҳасидаги ислоҳотларни, демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришнинг самарали йўлларини аниқлашга қаратилган парламент эшитуви бўлиб ўтди.**

# Парламент эшитуви

Очиқ мулоқот учун Қонунчилик палатасига Олий Мажлис Сенати ва ҳукумат аъзолари, бир қатор вазирлик, идора раҳбарлари, олимлар, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилди.

Маълумки, Президент И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда ўтказилган мажлисидаги маърузаларида депутатлар корпуси фаолиятининг асосий йўналишлари ва улар олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Бу Қонунчилик палатасининг 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурига асос бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг боришини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотларини эшитди.

Дастлаб, ташаббускор қўмиталарнинг раислари А.Саидов ҳамда Л.Ғуломов Қонунчилик палатаси тарихида илк бор ўтказилаётган парламент эшитуви аҳамияти ва кун тартибига қўйилган масаланинг долзарблиги юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришди. Шундан сўнг иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳолини, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида юртимизда амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли вазирлик раҳбарлари ўз маърузалари билан чиқиш қилишди.

Кейинги 10 йил мобайнида давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар БМТнинг одамлар турмуш даражасини оширишдан иборат Мингйиллик тараққиёт мақсадларини кенг кўламда бажарилишини таъминлади.

Таълим соҳасида мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирлар кўриш имконини берди. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг Ўзбекистон томонидан анча илдам бажарилаётганлигини тўла тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда тиббий хизмат тизими амалда тўлиқ модернизация қилинди, аҳолига бепул юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган касалхона ва бўлимларнинг ихтисослаштирилган тармоғи ташкил этилиши ислоҳотларнинг энг муҳим ва аниқ натижаси бўлди.

Ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва ўзгаришлар жараёнида республика парламенти томонидан амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги иши муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида беш юздан зиёд қонун қабул қилинди, юздан зиёд халқаро, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва унинг уйғун камол топиши масаласига бевосита алоқадор бўлган олтита асосий ҳужжати ратификация қилинди.

Олий Мажлиснинг қуйи палатаси томонидан ташкил этилган ҳукумат ва парламент ўртасида бўлиб ўтган мулоқот, қонун ижодкорлиги ишини ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг амалий фаолиятини танқидий таҳлил қилиш якунлари бўйича қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш, БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг йўналишлари бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг парламент ва жамоатчилик мониторингини олиб боришга доир самарали механизмларни аниқлаш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб олинди. Депутатлар БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришиш бўйича халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда минтақавий ҳамда глобал кооперацияга доир амалий таклифлар ишлаб чиқиш ниятидадирлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамасига БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини Ўзбекистонда рўёбга чиқариш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси парламентини хабардор қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўришни тавсия этди.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Сўраган экансиз

**Савол:**

***Ҳамкасбларим газетага ариза ёзишди. Мен ҳам қўл қўйиб бердим. Хатимиз газетада чоп этилмади, аммо юқоридан келиб текширишди. Фактлар тасдиғини топмади. «Туҳмат қилгансан» деб мени ҳам жавобгар қилишаяпти. Шу тўғрими?***

**Жавоб:** *Л.Муҳаммадиева, Фарғона шаҳри*

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга кўра мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим бўлган маълумотлар кўрсатилмаган ёки сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган мурожаатлар аноним ҳисобланиб, кўриб чиқилмайди. Энг муҳими, фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқаролик кодексининг 100-моддасига кўра, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Бундай маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу нашрларда раддия берилиши лозим. «ОАВда тарқатилган» деганда чоп этилганини тушунмоқ керак. Бирор идорага юборилганини эмас. Даъвогарларга буни яхши тушунтириш керак. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига кўра, юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Юридик ёки жисмоний шахсларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини пастга урувчи маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, хизмат таърифномаларида, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан, оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади.

Ўзининг шаънига ҳақоратловчи маълумотлар айтилган фуқаро, етарли асослар бўлган тақдирда, ҳақорат ёки туҳмат қилгани учун Жиноят кодексининг 139-, 140-моддалари ёки «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 40-, 41-моддаларига кўра гуноҳкорни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатишни сўраб судга мурожаат қилиши мумкин.

Аммо ишдаги камчиликларни, жамоат ва иш жойларидаги, турмушдаги феъл-атворини танқид қилувчи, ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларга шахсни бадном қилувчи маълумотлар деб бўлмайди.

ФКнинг яна ўша 100-моддасига мурожаат қиладиган бўлсак, унга асосан даъвогарнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини пастга урувчи маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини тасдиқлаш жавобгарнинг зиммасига юклатилган.

**Савол:**

***Мен 2008 йилда химия фани бўйича аттестациядан ўтиб, 2-тоифа олганман. Янги ўқув йилидан бошлаб 12 соатлик кимё дарсимга тоифа бўйича тўлаб, биология дарсларимга мутахассислик бўйича тўлашмоқда? Шу тўғрими?***

**Жавоб:** *Б. Ҳакимов, Пахтачи тумани*

«Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра бир фандан аттестациядан ўтиб, иккинчи бошқа фан бўйича ўзини тоифали ҳисоблаш мантиққа зиддир. Бундан чиқадики, биология фани бўйича ҳам тоифа олишга даъвогарлик қилишингиз мумкин.

**Савол:**

***Мен туман ҳокимлиги уй-жой коммунал соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш департаментида ишлаганман. Ишдан кетганимга бир йилдан ошган бўлса ҳам ҳисоб-китоб қилишмаяпти. Шу тўғрими?***

**Жавоб:** *У.Матрасулов, Қўнғирот тумани*

Меҳнат кодексининг 110-моддасига кўра, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга, у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган куни тўланиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлган ходимга, огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан;

2) меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга, ишдан кетган кунининг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга шак-шубҳасиз тегадиган суммани иш берувчи ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

**«БУ КИМНИНГ ҚИЗИ?..»**

Ўқитувчи халқи касб тақозоси туфайли синчков бўлади, арзимаган нарса ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди. Қишлоқ уйғониб кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилаяпти. Биз эса қўнғироқ янграшини кутиб, эшик олдидаги ўриндиқда гурунглашиб ўтирибмиз. Ҳаммаси одатдагидек. Шу пайт ажнабий мусиқага басталанган қўшиқ овози атрофни тутди, кўп ўтмай

шиларга шундай баҳо беради: «Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради».

ҳаббати», «Жабборнинг ғалчалиги» ҳақидаги қофия, вазндан урвоқ ҳам топилмайдиган, аммо шаробга қонган кишини жунбушга келтирадиган сатрлар янгради. Сўнгра навбат тағин «эстрадамиз ёрқин юлдузи»га (кейинги пайтларда уларнинг кўплигидан осмондаги сайёралар ҳам хира тортиб қолди, чамамда) берилди. Жазавани қўзғовчи оҳангга ўйнаб ёшлар чанги боси-

ётганлиги билан қизиқдим.

Англасам, у юқори синфлардан бирига дарс бераётганида, икки боланинг гурунгини эшитиб қолибди:

— Шу артист жуда чиройли нарса-да.

— Чиройини нима қиласан, сийнасига қара.

Гап ўқувчилардан бирининг «умумий дафтари» муқовасига зарб этилган «юлдуз»нинг ярим-яланғоч расми устида бораётган экан.

воқеа хотирамда гавдаланди. Бир делегацияга қўшилиб, АҚШга борган ёзувчи бу ердагиларнинг аксарияти енгилгина футболкалар кийиб олганини кўриб, либосини ўзгартирибди. Қаерга борса, одамлар эгнидаги майкага қараб кулишармиш. Ёзувчи ҳайрон. Ҳамма шу русумда кийинган бўлса, нега фақат унигина калака этишаяпти, ҳатто бармоғини бигиз қилиб

# Туш кўраётган «уйғоқ» кўзлар

## ёхуд «оммавий маданият» замонавийлик белгисими?

пўрим кийинган қиз кўринди. Қадам босиши ҳам таманно, «мени кўриб қўйинглар» деяётгандай соллана-соллана одимлайди, ўзи билибми-билмайми елкасини учириб мусиқа оҳангига «қўшилади». Ҳар қадам ташлаганида юбкасининг «отрези» (йиртиғи)дан оппоқ сонлари кўриниб кетади. Тўрт-беш томошаталаб ёшларнинг кўзи айнан шу нуқтада жамланган. Кимгадир бу ҳолат эриш туюлди:

— Шундай очиқ-сочиқ юриш шарт эканми?

— Кимнинг қизи бу, танидингизларми?

— Фалончининг ўтган йили коллежни тугатган арзандасига ўхшайди. Шу хонадонга ҳайронман, отаси қачон қараманг, уйида қора қозон қайнатишга ҳеч вақо йўқлигидан шикоят қилгани-қилган, ижара китоб пулини минг бир азобда ундирардик, лекин қизининг эгнига кийдиргани фалон пул...

— Орзу-ҳавас қилгандир-да.

— Ҳозирги ёшлар жуда қайсар, уларга «ундоқ кийин, мундоқ юр» деб кўринг қани, балки отасининг ҳам гапини олмагандир.

Кимдир гап қотди:

— Топибдими, замонаси шуни кўтарибдими, истаганини қилаверсин-да.

«Замонаси кўтарибдими, истаганини қилаверсин». Эҳтимол, сўнгги мулоҳазани билдирган ҳамкасбимиз ўзича масаланинг таянч нуқтасини топгандир. Ахир «ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшаш керак» деган нақл бор. Эриш туюлмаса, қизимизга, ўғлимизга қўл телефони олиб берайлик, эгнига сўнгги модадаги либосларни кийдирайлик, ёшлигидан машина рулига ўтиргизиб қўяйлик. У ҳам вақт-бевақт уйқудан уйғонган, уйғонмаган одамларнинг тинчини бузиб, ашула варанглатсин, машина рулидан аранг кўринаётган бошчасини ликиллатиб тенгдошларининг кўзини қиздирсин, кўча-кўйнинг чангини чиқарсин. Шунга ҳам ота гўри — қозихонами?

Масалага бефарқлик нуқтаи назаридан қарасак, шундай натижа чиқаришимиз мумкин.

Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бу тоифа ки-




**«БЕФАРҚ ОДАМДАН ҚЎРҚ...»**

Машҳур файласуфлардан бири шундай ёзади: «Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам. Фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Маънавият жабҳаси вакили сифатида бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеликларни теран назардан ўтказадиган бўлсак, ўз ечимини кутаётган бир талай глобал саволларга рўбарў келамиз. Улардан биринчиси, илк мушоҳадаларимиздаги мураккаб қарама-қаршиликлар замирида ўз-ўзидан туғилади: «Хўш, замона нимани кўтарибди?!»

...Хонадон эгаси очилиб-сочилиб ёзган тўй дастурхонида ўтирибмиз, қовурма, барра гўшт, тандиркабоб, сархил мева-чева, хуллас истаган газағингиз топилади, турфа рангли яхна ичимликлар, шароб дарёдай оқаяпти. Тўй соҳиби ўғил-қизларининг раъйини қайтармай шу ҳудудда «мода»га кирган қўшиқчини ҳам олиб келибди.

Тўй соҳиблари анча-мунча пулга чечан даврабошни ёллашибди. Бошда мумтоз адабиётимиз намуналари, бугунги адабиётимиз дарғалари ашъорлари ўқилган бўлса, кейинчалик назмдан ҳам таъм кетди, кимнингдир талаби билан «жўқи шоир» тўйбоп қилиб тўқиган «Эсмералдо саргузаштлари», «Назар билан Али малимнинг хуфёна му-

либ улгурмаган саҳнага чиқишди, куёв боланинг дўстлари алоҳида давра қуриб олишган, биттаси қийшанглаб, эшилиб, ўзига ярашмаган ҳаракатлар қилаяпти, ўнтаси унинг атрофини ўраб, қарсакбозликка зўр беради. Беихтиёр хаёлга бериламан: бизнинг давраларга бундай беҳаёликлар қачон кириб келди?! Яқин ўтмишда ароқнинг таъсиридами «рақкоса» жувоннинг муқомига илакишиб ўйинга чиққан киши шу даврага унутилгунча кўпчилик ўртасида кўриниш беришга уялиб юрарди, бугун-чи?!

Тизгинсиз хаёлларимни рўпарамда ўтирган икки кишининг суҳбати тўзғитади:

— Бизди ўғилни қара, ўйинга жон киритиб юборади.

— Жиян бўладиган бола-да, ҳа, бўш келма, муқомларингдан тоғанг айлансин.

Гап ким ва нима ҳақида бораётганини билиш учун ялт этиб даврага қарадим ва одамларнинг эътиборини тортиш учун нафақат қош-кўзига «оро» берган (ярашганда қани эди!), балки юзига ярим ботмон упа-элик суртиб олган «рақкоса»нинг пинжига кириб, бошини кўксига тираб, ёшига номуносиб қилиқлар қилаётган нари борса учинчи ёки тўртинчи синф ўқувчисига кўзим тушди...

**«НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?!»**

...Бир куни хонамга ҳамкасб шогирдим кириб келди:

— Домла, теварак-атрофимиздаги савдогарларнинг танобини тортиб қўйиш мумкин эмасми? Мактаб ўқувчисига тўғри келмайдиган маҳсулотлар бозорини гуллатишаяпти.

Ёш шогирдимга рой бериб, гап нима ҳақида бора-

— Ҳеч бўлмаса мактаб атрофида шундай дафтарларни сотишмасин.

Ўйлаб қолдим. Шогирдимнинг фикри ўринсиз эмас, борингки, мактаб атрофига танда қўйган бир ёки икки савдогарнинг шундай маҳсулотини сотишига монелик қилиш қўлимдан келар, жуда бўлмаса тегишли мутасадди ташкилотлар мурожаатимни инобатга олар, аммо шу билан кун сайин савдо расталаримизни ишғол этиб бораётган бундай маҳсулотлар оқими ўз-ўзидан камайиб қоладими?..

Муқовасини замонамизнинг «юлдузча»лари безаётган дафтарларни кимдир бизга четдан олиб кираяптими? Йўқ, асло. Улар ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти, «моддий манфаатдорлик» дея аталмиш сержилва олам бизни сеҳрлаб қўяяпти, болаларимиз тарбиясидан «қўлнинг кири» бўлган бир тутам бойликни афзал кўраяпмиз. Бўлмаса дафтарлар муқовасини ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Нодирабегим, Машраб сингари ўнлаб мутафаккирларимизнинг сиймолари, меъморчилик маданиятимиз намуналари, табиат ғаройиботлари билан безатиб ибратли сўзлар билан бойитсак, харидоргирлиги камайиб қоладими? Аксинча, ўқувчи ёки талаба ҳам бежирим дафтарга, ҳам ақлини чархлайдиган фикрга эга бўларди.

**ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**

Ўзини танишдан бошланади.

...Қаршидаги буюм бозорини айланиб юрибман, спорт либослари билан савдо қилаётган йигит бежирим футболкани тумшуғимга тиқиб мақтайди.

Растани томоша қилиб, унинг айтганлари бежиз эмаслигини англайман, «Реал», «Ювентус», «Милан», «Челси», «Манчестер Юнайтед» клублари, Бразилия, Англия, Италия, Франция ва бошқа ўнлаб терма жамоалар тамғаси туширилган футболкалар, кўпчилигимиз ўқиб маъносини чақолмайдиган сўзу суратлар зарб этилганлари ҳам бор. Шу ўринда машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе сафар хотираларида битган бир

кўрсатаётганлари ҳам учраб турибди. «Йўлбошловчимиздан бунинг сабабини сўрасам, у ҳам футболкамдаги ёзувни ўқиб қаҳ-қаҳ отиб кулди, билсам айнан кўкрагим устига «Фалон рақамли хавфли жиноятчи» деб ёзилган экан». Мана сизга Ғарбнинг оддийгина маҳсулотида олға сурилаётган «ғоя»лардан бир чимдим мисол!

— «Насаф», «Пахтакор», «Бунёдкор»нинг футболкаси йўқми? — сўрадим беихтиёр.

Йигитча навбатдаги харидорни эмас, ғалати топилдиқни томоша қилаётгандек юзимга мўлтираб термулди, сўнгра заҳархандалик билан деди:

— Унақасини ўзингиз ишлаб чиқарганда киярсиз...

**«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» КАШФИЁТИ**

Ғарбнинг «йиртиқ» либослари, футболкаларидаги ёзув, суратлар, қўл телефонлари, интернет тармоқлари, компютер, китоб, газета ва журналлар орқали ёпирилиб келаётган балолар ёшларимизни ўз домига тортмоқда. Буни оддийгина қилиб «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» деб аташади.

Аслида «оммавий маданият» тамғаси остида кириб келаётган ахлоқсизлик, фаҳш ва бузуқлик, зўравонлик ва раҳм-шафқатдан бегоналик нафақат бизнинг, балки дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданиятига, қадриятларига мос эмас. Бу ҳаётий ҳақиқатни ёшларимиз онгига сингдириш ўрнига, зўр бериб уларни ўтказишга хизмат қилсак, ўзимиз ўтирган шохга болта ураётган кимса ҳолига тушиб қоламиз-ку!

Бу «кашфиёт»нинг асосий мақсади эса — одамнинг иродасини сусайтириш, интилувчанлигини ўлдириш, ўзи ва атрофидагилар ҳаётига бефарқ қарашини шакллантириш, пировард натижада эркини қўлдан олишдан иборатдир. Оллоҳ бизни, келажак авлодимизни манқуртликдан асрасин.

**Абдунаби АБДИЕВ,**
**Миришкор туманидаги 22-мактаб директори, журналист**

# Ойнаи жаҳонда кўринг



## YOSHLAR

### Душанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Сайқал».
07.00 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлик наволари».
07.50 «Кумуш». Т/с.
08.30 «Табассум қил!»
09.00 «Жонли табиат». Т/с.
09.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 «Суиқасд». Ҳ/ф.
11.30 «Мусиқий фаввора».
11.50 «Баркамоллик йўлидан».
12.10 «Император аёл». Т/с.
12.50 «Устозга таъзим».
13.00 «Давр».
13.10 «Мўъжизавий дунё».
13.40 «Ёшлик наволари».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.
15.00 «Қишлоқ тараққиёти».
15.20 «Илҳом қанотлари».
16.00 «Давр».
16.10 «Салом, ёшлар!»
16.50 «Мультипанорама».
17.00 «Беляночка ва Розочка». Б/ф.
18.00 «13-студия».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Давр мавзуси».
20.30 «Yoshlar-FM».
21.10 «Император аёл». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
23.20 «Ёшлик наволари».
23.40 «Ниқоблар». Б/ф.
01.10 «UzEX».
01.20 «Салом, ёшлар».
02.00 «Давр».
02.30 «Итальянча иш». Б/ф.
04.20 «Ўзбегим матолари».
04.40 «Таранңум».
05.20 Миллий сериал: «Сержантлар».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

### Сешанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Дуторчи қизлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлик наволари».
07.50 «Кумуш». Т/с.
08.30 «Табассум қил!»
09.00 «Жонли табиат». Т/с.
09.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Қора тоғ». Б/ф.
11.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
11.50 «Соғлик – бойлик».
12.10 «Император аёл». Т/с.
12.50 «Устозга таъзим».
13.00 «Давр».
13.10 «Мўъжизавий дунё».
13.40 «Ёшлик наволари».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.
15.00 «Келажак эгалари».
15.20 «Шарқ гавҳари».
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Салом, ёшлар!»
16.50 «Мультипанорама».
17.00 «Аёзхоним». Б/ф.
18.00 «13-студия».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Инсон психологияси».
21.10 «Император аёл». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
23.20 «Ёшлик наволари».
23.40 «Автопойга». Б/ф.
01.10 «UzEX».
01.20 «Салом, ёшлар».
02.00 «Давр».
02.30 «Оқшом». Б/ф.
04.20 «Ўзбегим матолари».
04.40 «Таранңум».
05.20 Миллий сериал: «Сержантлар».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

### Чоршанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Назм ва наво».
07.00 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлик наволари».
07.50 «Кумуш». Т/с.
08.30 «Табассум қил!»
09.00 «Жонли табиат». Т/с.
09.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Бувам, Килиан ва мен». Б/ф.
11.30 «Қишлоқ тараққиёти».
11.50 «Чемпион».
12.10 «Император аёл». Т/с.
12.50 «Устозга таъзим».
13.00 «Давр».
13.10 «Мўъжизавий дунё».
13.40 «Ёшлик наволари».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.
15.00 «Автопатруль».
15.20 «Шарқ гавҳари».
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Салом, ёшлар!»
16.50 «Мультипанорама».
17.00 «Азиз». Б/ф.
18.00 «13-студия».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Қорақалпоқ ёшлари».
20.40 «Ош бўлсин!»
21.10 «Император аёл». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
23.20 «Ёшлик наволари».
23.40 «Яқин дўстим». Б/ф.
01.10 «UzEX».
01.20 «Салом, ёшлар!»
02.00 «Давр».
02.30 «Кўзгунинг икки томони». Б/ф.
04.20 «Ўзбегим матолари».
04.40 «Таранңум».
05.20 Миллий сериал: «Сержантлар».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

### Пайшанба

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Мусиқий фаввора».
07.00 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлик наволари».
07.50 «Кумуш». Т/с.
08.30 «Табассум қил!»
09.00 «Жонли табиат». Т/с.
09.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Энг жозибали ва латофатли». Б/ф.
11.30 «Келажак эгалари».
11.50 «Ёшлар ва таълим».
12.10 «Император аёл». Т/с.
12.50 «Устозга таъзим».
13.00 «Давр».
13.10 «Мўъжизавий дунё».
13.40 «Ёшлик наволари».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.
15.00 «Қишлоқдаги тенгдошим».
15.20 «Шарқ гавҳари».
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Салом, ёшлар!»
16.50 «Мультипанорама».
17.00 «Кенжатойдан қўрқ, эй ғаним». Б/ф.
18.00 «13-студия».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «XXI аср технологиялари».
20.40 «Yoshlar-FM».
21.10 «Император аёл». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
23.20 «Ёшлик наволари».
23.40 «Яхши аёл». Б/ф.
01.10 «UzEX».
01.20 «Салом, ёшлар».
02.00 «Давр».
02.30 «Қирол Артур». Б/ф.
04.20 «Ўзбегим матолари».
04.40 «Таранңум».
05.20 Миллий сериал: «Сержантлар».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

### Жума

06.00 «Салом, ёшлар!»
06.40 «Дуторчи қизлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлик наволари».
07.50 «Кумуш». Т/с.
08.30 «Табассум қил!»
09.00 «Жонли табиат». Т/с.
09.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Бир миллионлик машмаша». Б/ф.
11.30 «Қадрият».
11.50 «Автопатруль».
12.10 «Император аёл». Т/с.
12.50 «Устозга таъзим».
13.00 «Давр».
13.10 «Мўъжизавий дунё».
13.40 «Ёшлик наволари».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.
15.00 «Қорақалпоқ ёшлари».
15.20 «Шарқ гавҳари».
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Салом, ёшлар!»
16.50 «Мультипанорама».
17.00 «Мешполвон». Б/ф.
18.00 «13-студия».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Нуқтаи назар».
21.00 «Устозга таъзим».
21.10 «Император аёл». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
23.20 «Ёшлик наволари».
23.40 «Тезкор фото». Б/ф.
01.10 «UzEX».
01.20 «Салом, ёшлар».
02.00 «Давр».
02.30 «Ритмни сақла». Б/ф.
04.20 «Ўзбегим матолари».
04.40 «Таранңум».
05.20 Миллий сериал: «Сержантлар».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

### Шанба

06.00 «Тонгги парвоз».
06.30 «Назм ва наво».
07.00 «Мультипанорама».
07.30 «Ёшлик наволари».
07.50 «Гугуртга кетиб». Б/ф.
09.20 «Yoshlar-FM».
09.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Алвон елканлар». Б/ф.
11.30 «Бўлажак генерал».
11.50 «Китоб-офтоб».
12.10 «Император аёл». Т/с.
12.50 «Устозга таъзим».
13.00 «Давр».
13.10 «Инсон психологияси».
13.40 «Ёшлик наволари».
14.00 «Куз эртаги». Т/с.
15.00 «Нуқтаи назар».
15.40 «Мусиқий фаввора».
16.00 «Давр».
16.10 «Сирли ўрмонча».
16.30 «Томоша».
16.50 «Мультипанорама».
17.00 «Мўъжизалар дўкони». Б/ф.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Устозга таъзим».
19.00 «Давр».
19.30 «Тақдир қиссалари». Т/с.
20.30 «Айланай».
20.50 «Навбатчи».
21.10 «Император аёл». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Таннозхоним». Б/ф.
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Тупроққа таъзим».
01.00 «Афсона ва ҳақиқат».
02.00 «Давр».
02.30 «Катта ғалаба». Б/ф.
04.20 «Ўзбегим матолари».
04.40 «Таранңум».
05.20 Миллий сериал: «Сержантлар».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

### Якшанба

06.00 «Ёшлар нонуштаси».
06.30 «Мультипанорама».
07.30 «Ош бўлсин!»
08.00 «Аҳмад қаерда?» Б/ф.
09.30 «Тонгги парвоз».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Омад». Б/ф.
12.10 «Суиқасд». Ҳ/ф.
13.10 «Айланай».
13.30 «Соғлик – бойлик».
13.50 «Тошкент илҳомлари».
14.00 «Эртаклар оламида».
15.10 «Болалар табассуми».
15.20 «Ижод мактаби».
16.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
18.50 «Устозга таъзим».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «KINOMANIYA».
20.00 «Вақт». Б/ф.
22.30 «Орзулар ошёни».
23.50 «Жаҳон операси».
01.00 «13-студия».
01.20 «Ватанпарвар».
02.00 «Давр ҳафта ичида».
02.30 «Троя». Б/ф.
05.00 «Таранңум».
05.55 – 06.00 «Мадҳия».

## SPORT

### Душанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
7.00 «Спорт - менинг ҳаётим».
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.35 «Ринг қироллари».
9.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Бунёдкор».
11.25 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.35 «Спортчилар оиласи».
14.05 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
15.10 Теннис «Тошкент оупен». ХалҚаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
18.30 «Баркамол авлод».
19.05 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
19.45, 22.00 Саломатлик хазинаси.
19.50 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.50 «Футбол шарҳи».
22.05 Интерфутбол.
23.45 Сешанба дастури анонси.
23.55 Футбол. Биринчи лига. Тур хисоботи.
00.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

### Сешанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
6.45 «Баркамол авлод».
7.05 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр».
7.25, 13005, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.20 Интерфутбол.
10.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
11.10 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.35 Мотоспорт.
14.15 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
15.20 Теннис «Тошкент оупен». ХалҚаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
***
18.30 «Олимп сари».
19.05 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
19.50, 22.00 Саломатлик хазинаси.
19.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
21.00 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
22.05 Интерфутбол.
23.45 Чоршанба дастури анонси.
23.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

### Чоршанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
6.45 «Олимп сари».
7.05 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр».
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.20 Интерфутбол.
10.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
11.10 Теннис. «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.35 Автоспорт.
14.15 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
15.20 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
***
18.30 «Жозиба».
19.05 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
19.50, 22.00 Саломатлик хазинаси.
19.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.55 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
22.00 «Саломатлик хазинаси».
22.05 Интерфутбол.
23.45 Пайшанба дастури анонси.
23.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

### Пайшанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
6.45 «Жозиба».
7.05 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр».
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.20 Интерфутбол.
10.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
11.10 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.35 «Гейм сет матч».
14.00 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
15.05 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
17.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
18.30 Жаҳон чемпионати олдидан: «Таэквандо WTF».
19.05 Юнон-рум кураши. Халқаро турнири.
19.45, 22.00 Саломатлик хазинаси.
19.50 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.50 «ПрофРИНГ».
22.05 Интерфутбол.
23.45 Пайшанба дастури анонси.
23.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

### Жума

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
6.45 Жаҳон чемпионати олдидан: «Таэквандо wtf».
7.05 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр».
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.20 Интерфутбол.
10.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
11.10 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.35 Мотопойга.
14.15 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
15.20 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
***
18.30 «Шижоат».
19.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.10, 22.00 Саломатлик хазинаси.
20.15 «ГОЛ».
20.55 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 «Аптека слушает».
22.50 Юнон-рум кураши. Халқаро турнири.
23.30 «Шижоат».
23.45 Шанба дастури анонси.
23.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

### Шанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 «Саломат бўлинг».
6.30, 8.00, 18.45, 21.45 Хабарлар.
6.45 «ГОЛ».
7.25 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.20 Интерфутбол.
10.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
11.10 «Шижоат».
11.25 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
11.30 Теннис «Тошкент оупен». Халқаро турнир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
16.55 Гандбол. «Мустақиллик кубоги».
***
18.00 «Ўзбекистон спорти».
19.05 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.05, 22.00 Саломатлик хазинаси.
20.10 «Стать ближе». Ток-шоу.
20.55 Юнон-рум кураши. Халқаро турнири.
22.00 Саломатлик хазинаси,
22.05 Интерфутбол.
23.45 Якшанба дастури анонси.
23.55 «RING».
00.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Олмалик»- «Металлург».

### Якшанба

6.00 «Хайрли тонг!»
6.10 Жаҳон спорти юлдузлари - Зидан: «Ширин тушдек умр».
6.30 Хабарлар.
6.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Олмалик»- «Металург».
8.30, 18.30, 21.30 ХАБАРЛАР.
8.50 «Кувнок стартлар».
9.25 «Тренируемся вместе».
9.45 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
10.40 «Ўзбекистон спорти».
11.20 Интерфутбол.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
***
13.05 «Стать ближе». Ток шоу.
13.55 Спорт экрани: «Енгилмас рух».
16.05 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
16.55 «Жаҳон спорти юлдузлари - Лотар Маттеус».
***
18.00 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
19.05 «Спорт - менинг ҳаетим».
19.30 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.
20.30, 22.00 Саломатлик хазинаси.
20.35 Баскетбол. Жахон чемпионати.
21.15 Футбол. Биринчи лига. Тур хисоботи.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 Интерфутбол.
23.45 Душанба дастури анонси.
23.55 «Ринг қироллари».

## TV-MARKAZ

### Душанба

07.00, 09.00, 10.05, 13.30, 17.10, 18.00, 19.30
Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30, Сериал «Мухаббат асираси»
09.30 «Топ-10»
11.30 «10 000 лет до н.э.» худ.фильм
14.20 Prime time (рус)
15.30 Мультфильм
17.30 «Премьера»
20.50 Сериал «IRIS»
22.00 «ДВОЙНОЙ КОПЕЦ» худ.фильм
00.00 Миксер

### Сешанба

07.00, 07.40, 10.40, 13.30, 17.10, 18.10, 19.30, 13.35, Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00, 14.30, 18.30, Сериал «Мухаббат асираси»
09.30 Сериал «IRIS»
11.30 «Двойной копец» худ.фильм
15.30 Мультфильм
17.30 «Премьера»
18.00 Prime time (рус)
20.50 Сериал «IRIS»
22.00 «СКОРОСТЬ» худ.фильм
00.05 Миксер

### Чоршанба

07.00, 09.00, 10.40, 17.10, 18.00, 19.30, 20.30, Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30, Сериал «Мухаббат асираси»
09.30 Сериал «IRIS»
11.30 «Скорость» худ.фильм
14.20 Prime time (рус)
15.30 Мультфильм
17.30 «Кинокурьер»
20.00 M-files
20.50 Сериал «IRIS»
22.00 «СЧАСТЛИВОГО РОЖДЕСТВА, МИСТЕР ЛОУРЕНС» худ.фильм
00.20 Миксер

### Пайшанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.40, 13.50, 18.10, 19.30, Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00, 14.30, 18.30, Сериал «Мухаббат асираси»
09.30 Сериал «IRIS»
11.30 «Счастливого рождества, мистер Лоуренс» худ. фильм
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 «Премьера»
18.00 Prime time (рус)
20.50 Сериал «IRIS»
22.00 «ЁЙИН ИЧИДА ЁЙИН» бадиий фильм
23.50 Миксер

### Шанба

07.00, 09.00, 10.40, 13.20, 17.10, 18.00, 19.30, Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30, Сериал «Мухаббат асираси»
09.30 Сериал «IRIS»
11.30 «Ёйин ичида Fйин» бадиий фильм
14.20 Prime time (рус)
15.30 Мультфильм
17.30 «Премьера»
21.00 «Bollywood Markazida»
22.00 «BILLU» хинд бадиий фильми
00.40 Миксер

### Жума

07.00, 07.40, 10.30, 14.10, 17.20, 18.10, 19.35, Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)
09.00 Мультфильм
11.30 «Billu» хинд бадиий фильми
15.00 «ПАРК ЮРСКОГО ПЕРИОДА» худ.фильм
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»
21.30 «Премьера»
22.00 «НЕОБЫЧАЙНЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ АДЕЛЬ» худ.фильм
00.00 – 01.40 «Другая музыка»

### Якшанба

07.00, 11.00, 13.30, 18.10, 20.10, 21.00, Узбек наволари
09.00 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.30 «Необычайные приключения Адель» худ.фильм
15.00 «ПАРК ЮРСКОГО ПЕРИОДА-2»
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
19.30 Звездопад: «Узбекский Страдивари»
20.30 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера»
22.00 «БИТВА ТИТАНОВ» худ.фильм
00.00 Миксер

Ishonch 2010-yil 16-sentabr
№ 114 (2839)



***У ҳар недан ҳикмат излашга одатланган. Ҳаётдан норозилик, аламзадалик қаҳрамонимизга ёт. Чумолидан ҳам ибрат олишга ҳаракат қилади. Тўғри, у ҳали дунё танийдиган даражада машҳур ҳам эмас. Лекин вақтисоати келиб, нималарга қурби етиши, меҳнати орқали ҳар қандай чўққини забт этиши мумкинлигини исботлашни истайди. У бугунни тарихга муҳрлаётган ижодкор сифатида ватанини, халқининг урф-одатларини қадрлайдиган ва мана шу йўлда жон куйдираётган фоторассом. Ўзининг айтишича, болаликда меҳр қўйган касбларининг бари санъат билан боғлиқ экан...***

# Ҳикмат излаётган одам



Султонбой Деҳқоновни бошқалардан ажратиб турадиган бир жиҳати бор. Санъатга ошуфта юраги эртанги кунга бўлган ишончга лиммо-лим. Фоторассом сифатида фаолият юрита бошлаганига ҳали ўн йил ҳам бўлгани йўқ. Шу сабаб уни бемалол истиқлол ифоридан илҳом олиб ижод қилаётган ёш ва умидли ижодкор деб аташ мумкин. Зеро, умр яшаб ўтилган йиллар билан эмас, балки шахс сифатида ўз умридан ва қилаётган ишларидан кўнгли тўлаётган дақиқалардан бошлаб ҳисоблanса, не ажаб.

Ҳамқишлоқлари уни учратганида: «Султонбой, кеча сизни телевизорда кўрдим ёки радиода овозингизни эшитдим. Қандайдир расмлар ҳақида гапираётгандингиз...» дейишганида қувониб кетади. Гарчи содда қишлоқдошлари унинг қанақа расмлар ҳақида гапирганини билишмаса ҳам, шу инсон билан бир қишлоқда яшаётганликларидан фахрланишади. Қотмагина, икки юзи Бекобод шамолида тобланган, муҳаббатга тўла нигоҳлари билан оламга боқаётган бу инсоннинг ўз ҳаёт фалсафаси бор. Санъат орқали фақат ўз умрини эмас, балки юртдошлари кўнглини ҳам нафосатга ошно қилиш пайида. Султонбой аканинг фикрларига қулоқ тутсангиз, ички олами қандайлигига ўзингиз баҳо берасиз...

*У машҳур рассом Винсент Ван-Гогнинг мана бу сўзларини ўзига шиор қилиб олган:*

«Мен ташвиш ва қийинчиликлардан қочиб, ўзимни асрамоқ фикрида эмасман. Мени қандай қилиб кўп ёки кам яшаш муаммоси ўйлантирмайди... Мен бунда яшар эканман, ҳаёт олдидаги алланечук бурчларим билангина дунё шунчалар қизиқарли эканлигини ҳис қиламан. Менга бахш этилган инъомга жавобан ўзимдан кейин нимадир қолдиришни ихтиёр этаман...»

***Қаҳрамоним ҳар хил ривоятларга, яхшилик ҳақидаги ҳикматларга чин дилдан ишонади, одамларга ҳам шуни раво кўради:***

«Халқимизнинг ажойиб одати бор: ҳали тонг оқармасдан, дарвозаларини очиб қўяди. Нуронийларнинг айтишича, самодаги юлдузлар биринкетин ўз ўринларини беғубор тонгга бўшатиб бераётган маҳал, кўкдан фаришталар тушиб, кимнинг эшиги очиқ бўлса, ана шу хонадонга қутбарака билан ташриф буюрар экан...

Орадан қанча асрлар ўтмасин, бу ривоят замиридаги яширин ҳикматлар одамларни эзгуликка етаклайверади. Қанийди, инсонларнинг қалб эшиклари ҳам бирбирига ҳамиша очиқ бўлса, фаришталар уларнинг юракларига ҳам яхшилик аталмиш фазилатни кетмас қилиб қадаб кетишса... Дунё янаям нурга чулғаниб кетган бўлармиди...»

***Кўпчилик бой-бадавлат бўлиб, ҳаётда ғам-қайғу нималигини билмай, шоҳона яшашни орзу қилади. У бўлса...***

«...Япония аҳолиси бир кунда қирқ дақиқа вақтини кундалик газета-журналларни ўқишга сарфлар, яна ҳар бир хонадоннинг Ер, қуёш, дарахтлар ҳақида ўз қўшиқлари бўлиб, мадҳия сингари муқаддас билишар экан...

Кўп ўйлайман, бу мамлакатнинг турли соҳаларда мўъжиза кўрсатиб, кишини лол қолдираётганига асосий омил шу эмасми? Бутун дунёнинг ҳаваси келади, қуёшни биринчи бўлиб олқишлайдиган япон миллатига...

Меҳмондўст халқ сифатида дунёга донғи кетган юртдошларимиз ҳам бўш вақтини кўпроқ китоб мутолаасига сарфлашса... Юртимизда миллионлаб нусхада газета, китоб босилиб турса... Маънавият аталмиш боғлар гуркираб кетган бўлармиди?»

***У болалигидан фотографияга қизиқишига қарамасдан, профессионал ижод оламига негадир 45 ёшида кириб келди...***

«2004 йили «Кодак» аппаратини сотиб олишга олдим-у, анча вақт ишни нимадан бошлашни билмай юрдим. Кутилмаганда туман газетаси муҳаррири, марҳум Файзулла Зиёдуллаев: «Султонбой, газетада сурат етишмовчилигидан қийналяпмиз, бизга ёрдам берсангиз», деб қолди. Бошда у кишига шу пайтгача газета учун сурат олмаганимни айтиб эътироз билдирсаму: «Сиз тушириб келаверинг, кейин гаплашамиз», деди. Хўп, дедим-у, тонг саҳардан пахта даласига йўл олдим. Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Мамажон Ғофуровнинг пахтачилик бригадаси ва унинг илғор сувчилари ҳаётидан фоторепортаж тайёрладим ва у туман газетасида чоп этилди. Ўзимга ишонч пайдо бўлди ва ишга жиддий киришиб вилоят, республика газеталарида ҳам мунтазам қатнаша бошладим».

***У ҳар бир ижодкорнинг асарида миллий руҳ бўлиши кераклиги ҳақида куюниб гапиради. Ҳозирги ўзбек бадиий фотография тараққиётини белгилаб беришда миллий руҳ мезонларининг аҳамияти ҳақида шундай дейди:***

— Фотография — ҳаёт ва жамият кўзгуси. Ижтимоий турмушдаги миллий жиҳатларни бадиий ифодалаши табиий ҳолдир. Ўзбек фотографиясида миллий хусусиятлар абстракт ҳолда эмас, балки мустақиллик шарофати туфайли вужудга келган ҳодисадир. Шундан келиб чиқиб, фоторассом тасвирлаётган воқеа-ҳодисалар таассуротига миллий руҳни, анъаналарни сингдириб берса, унинг асарида ифодаланган миллий туйғулар умумбашарийлик тусини олади.

Асарда миллийлик қанчалик аниқ ва чуқур акс эттирилган бўлса, бадиий жиҳатдан шу қадар юксак бўлади. Бугунги кунда Вяткин, Турсун Али, Рустам Шарипов, Ковреин каби фоторассомларнинг миллий услубдаги ишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

***Кўпчилик қатори у ҳам ўзбек фотографиясининг довруғи дунёга танилишини хоҳлайди. Аммо бу ўринда баъзи муаммолар ҳам учрайдики, уларни бартараф қилмасдан туриб, юқоридаги эзгу мақсадларга етиб бўлмайди...***

— Бадиий фотографияга бағишланган алоҳида нашр — алманах чиқариш вақти келди, деб ўйлайман. Ўзбек фотографиясининг матбуот билан алоқасини яхшилаш лозим. Махсус кўрсатувлар етарли эмас. Ижодкорлар кўпроқ сафарларда бўлиши, дунё кўргазмаларида қатнашиши керак.

2008 йили Тошкент фотосуратлар уйи қошидаги 4 ойлик фотосанъат мактабини тугатиб, сертификат олдим. Ўқиш давомида сюжет ва композиция уйғунлиги, нур ва соя билан ишлаш, компютер графикаси ҳақидаги қимматли билимларга эга бўлдик. Искандар Содиқов, Ҳасан Файзиев каби устозлар фотография амалиёти ва назариясидан машғулотлар ўтишди. Ўқиш ва ўрганиш давомида ҳаётга санъаткор нигоҳи билан қарашни ўргандим.

Масалан, бир дарахтнинг эрталаб, туш ва шафақдаги сояси, рангларни қандай олиш техникаси, ракурс, композиция, шунингдек, сюжетдаги ғоя ва фикрни бир мақсадга бўйсундириш сирларини ўрганганим боис, шу йўналишда пейзаж, портрет, натюрморт жанрларида ишлай бошладим.

С. Деҳқонов Бадиий академияга аъзо бўлган ва «Маҳалла — маърифат ўчоғи» деб номланган асари учун Бадиий академиянинг бош соврини — Гран-прини олган кунини ҳар доим қувонч билан ёдга олади. Шу кунларда ўзига билдирилган юксак ишонч туфайли кўп ишларга қўл урди. «Чўпон аёл», «Рассом Тўра Шомирзаев портрети», «Ойдин момо», «Оила», «Орзу билан юзма-юз», «Пиллакорлар», «Ултув момо» каби асарлари шулар жумласидандир. Энг яхши асарларидан бири — «Улкан хирмон»нинг «Ўзбек фотографияси 125 ёшда» каталогига киритилгани яна бир ютуқ эди.

Унинг «Юртимиз кишилари» кўргазмасида Ўзбекистон Бадиий академияси дипломи билан тақдирланиши (2006), «Қишлоқ қизлари»да миллий анъаналарни акс эттиргани учун диплом билан мукофотланиши, 2009 йилнинг июлида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Жонажон шаҳрим» фотокўргазмасида ўзининг «Ҳаёт манзараси», «Ёз», «Кечаги куннинг бугун билан учрашуви», «Орзу билан юзма-юз» асарлари билан иштироки ҳамда «Ҳаёт манзараси»нинг портрет жанридаги энг яхши асар сифатида эътироф этилиши — ҳаммаҳаммаси меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

Султонбой Деҳқонов Баркамол авлод йилига бағишланган фототанловда «Кутилмаган рақиб» иши учун «Энг яхши ғоя муаллифи» номинацияси ғолиби ҳамдир. Шу кунларда Монголия пойтахтининг Улан-Батор шаҳрида ўтказилаётган «Ўзбекистон: кеча ва бугун» деб номланган халқаро кўргазмада «Калтаминор ҳақидаги ўйлар» асарининг намойиш этилаётганлиги ҳам фоторассом ижодининг юксалиб бораётганидан дарак бериб турибди.

— «Инсоннинг кўнгли алдамайди», деган гап бор, — дейди суҳбатимиз сўнгида С.Деҳқонов. — Айниқса, ижодкорники. Масалан, сиз шоирсиз. Ёзган шеърингизни қайта-қайта ўқиётган бўлсангиз-у, у сизга ёқаётган бўлса, демак, сиз яхши ёзаяпсиз. Фотографияда ҳам шундай. Кўнгил буюрганини қилиш — шу, менимча.

**Назира БОЙМУРОДОВА**

# Биз бил(ма)ган дунё




*Marlboro компанияси-нинг биринчи эгаси саратон касаллиги туфайли вафот этган.*

**Туяқушнинг кўз қорачиғи миясидан катта.**



**Wrigley`s сақичи биринчи штрихкодли товар ҳисобланади.**




**Ўрдакнинг ғағиллаши акс-садо бермас экан. Бунинг сабаби шу чоққача номаълум**





**Баскетболчи Майкл Жорданнинг «Nike» дан олган пули фирманинг Малайзиядаги фабрикаси ишчилари олган маошдан кўп экан.**



*Кўпчилик китни фаввора отади деб ўйлайди. Лекин, аслида, у фаввора эмас. Кит нафас чиқарганда, карбонад ангидрид гази катта босим билан ҳавога отилади ва сув томчилари фаввора ҳосил қилади.*

*Стандарт форматга эга 500 саҳифали оддий китобнинг устига кўмир ортилган 15 та вагонни қўйганда ҳам у пачоқ бўлмайди.*





**Сигирни зинапоядан юқорига чиқариш мумкин, бироқ минг уринсангиз ҳам қайтадан пастга тушмайди.**

**Австралияда қуёнлар Хитой аҳолисидан ҳам кўп экан.**



Ishonch 2010-yil 16-sentabr
№ 114 (2839)

# «Mona Liza» билан олишув

Ҳажвий ҳикоя

**Ёзувчининг ёзмаганидан ёмони йўқ. Осмону фалакда учиб юрадиган «илҳом париси»ни тутишнинг ўзи бўладими? Кейин-чи? Топилган мавзуни қойиллатиб қоралаш керак... Э, бу ёғини ўйлайверсанг, бош қотади. Олдин «илҳом париси»ни тутайлик-чи, қолгани чикора.**




Рассом: Ҳ. СОДИҚОВ

Оқшом газетда навбатчи эдим, ярим тунда уйга қайтдим. Кечагина бирга улфатчилик қилиб юрган, мендан ўн ёш кичик бош муҳаррирнинг «Ака, мен ичишни ташладим, бироқ чекишни ташлаш қийин экан» дегани-ю, тағин менга ғалати қараб, оғзидаги папиросни бурқситганча: «Сиз ҳам ташланг, танангиз қушдай енгил бўп қоларкан», тарзидаги ўгити хаёлимдан ҳеч нари кетмайди...

Шанба бўлгани учун кечроқ турдим. Уйда ёлғизман: тушгача қўлим ишга бормай, эски қўлёзмаларни титганча вақт ўтказдим. Хаёлим бошлиқнинг «ўгит»ида — ташлаш керак! Ташлайман! Ахир, у айтгандек, бургуту лайлакдай парвоз қилганим бўлсин. Ер, шу бепоён, борлиқни кўтариб турган ер нигоҳиму қанотларим остида қолсин...

Лекин шу пайт кимдандир эшитганим бошга тепди: йигит киши яхшими-ёмонми бир одатдан қутулишга астойдил аҳд қилганда, «иродани чархлаш ва гапни михлаш учун юз грамм «отиб» қасамёд қилиши керак!» Керак бўлса, қиламиз. Муҳаррирнинг дегани — деган экан, биз ҳам анойи эмас, айтганимиз — айтган. Бироқ ана ўша юз грамм зорманданинг ўзи қани? Кеча шу газетти иши деб, охирги пулимни ҳам таксига сарфлаган бўлсам... Уйдагилар ишга бормаслигимни билиб, бир-икки сўм ташлаб кетиш ўрнига ҳойнаҳой сўнгги чақагача қоқиштириб кетишгани тайин. Тўрт хонали уйнинг «бешинчи хонаси»гача тимирскилаб, тит-питини чиқардим. Охири ётоқдаги эски шкафда бўз матога ўралганча қийшайиб турган уч-тўртта гиламчани у ёқ-бу ёққа сургандим, бирининг ичидан нимадир сирғалиб полга «тақ» этиб тушди. Юрагим жиз этди. «Ният холис бўлса, ошхўрга ош, нонхўрга нон топилади», деганларидек, «тақ» этиб тушган нарса ароқ бўлмаса-да, «0,7»лик «Mona Liza» виноси экан. Қараб кўзларим тўймайди: қип-қизил, чўғдай ёнади. Ким қўйиб қўйди экан бу ерга? Э, шу топда Шерлок Холмсликка бало борми? Топилганига шукур!

Ичувчининг дардини ичган билади. «Монашка»ни кўргач, қориннинг очлигию, дунёнинг ташвишларини унутдим. Энди, гўзал «Mona Liza» хонимнинг кўнглига йўл топиш керак!

Даст туриб, тортмадан пичоқни олдим-да, шишанинг оғзини очишга киришдим. Лекин унинг оғзидаги пўкак ўчакишгандек тоза инжиқ чиқиб қолди. Худди узоқ вақт кўришмаган ошиқдек Лизахоннинг оғзига маҳкам ёпишиб олган. «Сим-сим», эшигингни оча қолмайсанми, шишажон?

Кейинги уринишларим ҳам бефойда кетди. Хунобим ошиб сўкинаман: ароқ ичадиган обрўли одамман-у, сен эса градуси кам қип-қизил мусаллас бўла туриб, ичаман десам, қонсифат жамолингни пўкак билан тўсиб намунча нозланасан?.. Биз ҳам кичкина одам эмас, қалами ўткир мухбирмиз, ахир! Ҳа-ҳа, ёзувчи деган номимиз бор! Агар ҳақ гапни айтадиган бўлсам, сен пўкак ўлгур, мана шу обрўйим учун мени кўрганда ўзингдан-ўзинг «пақ» этиб отилиб кетишинг керак эди... Ўз ўйимга ўзим ишониб бир оз кутдим — отилмади, қурмағур. Тағин тамшанганча «Liza»хоннинг жамолига не умидда суқланиб тикиламан... Намунча кўзга яқин-у, кўнгилдан йироқ бўлмасанг, тошбағир!

Очаман! Бу ёғига астойдил қасд қилдим. Шу бугун сени ичмаган номард! Шартта «Mona Liza»нинг бўғзидан ушлаб ошхонага олиб чиқдим-да, стол тортмасидан чоғроқ замонавий очқич — «парма»ни топдим. Аммо бу очқич ўлгурнинг бигизини минг айлантирсам ҳам пўкакка ботмайди, зўрлаб итарсам икки ёнидаги темир «қанот»лари кўтарилиб, ҳаволанади... Уларни ёпсам, бигизи пўкакдан қочади.

Уни қандай қилиб деразадан ташқарига улоқтирганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ярамас очқич учди-ю кетди, аммо муаммо ҳамон ўзим билан бирга қолди. Кўнгил ўлгур бетоқат, ошқозоннинг ҳар битта ҳужайрасида ташналик. Ахир бунақада қуруқдан-қуруқ ишлаб, ошқозон ишдан чиқади-ку. Бошим айланиб, кўзларим хиралашиб, кайфиятим тобора расво бўлиб боряпти...

Соатга қарайман: гўзал «Mona Liza» билан олиша бошлаганимга ҳам ярим соатдан ошибди. Ҳадемай «ялмоғиз кампир» — хотин ҳам ишдан келади.

Ошхонада ейилиб қилдай ингичкалашиб қолган пичоқни топдим-да, зарб билан пўкакка санчдим. Пичоқ пўкак танасини қоқ ўртасидан тешиб ўтди. Аммо кўкси тешилса ҳам, кўзи тешилмаган пўкаквой менга бақрайиб қараб турарди.

Ичмасам-да, мастдан баттар довдирайман. Энди бўйнига пичоқ суқилган «хоним» кўзимга душмандек кўрина бошлади. Душманни эса янчиш ва ер билан яксон қилиб, ғолиб чиқиш керак! Албатта, ғолиб чиқиш керак!

Кўзимга алвастидек кўрина бошлаган «Mona Liza»ни ерга қўйиб, бир тепдим. Шиша сопигача санчилган пичоқ-мичоғи билан ошхонанинг нариги томонига қараб думалаб кетди. Думалашдан тўхтади, бўғзидаги пичоқнинг сопи масхара қилаётгандек узоқ ликиллаб турди. «Кўрамиз, — дедим баттар зардам қайнаб, муштимни тугиб. — Қани, ким ютаркан, Монашкахон. Шишанинг ичига қачонгача яшинаркансан? Шу бугуноқ бошпанангдан айрилиб, хурмачамга келиб тушмасанг, отимни бошқа қўяман!».

Шишани балконга олиб чиқдим-да, хумордан чиққунча сўкдим, урдим, тепдим, охири қўл қовуштириб ёлбордим ҳам. Сал эси бўлса, бир гап айтар, ҳеч бўлмаса, мени ичишга чиқарганлар-ку, деб пўкагини отиб юборар... Ҳе-йўқ, чучварани хом санабман...

Унинг «ичимдагини топ»лигига жаҳлим чиқди. Беор, қилтириқ пичоқ эса ярим белигача ботиб олиб, баҳузур Liza хонимни сўриб ётибди. Рашким қўзиди. Хонимчанинг домига илинмай ўл». Шунда балконнинг бир бурчагида ётган болғачага кўзим тушиб қолди. Ҳозир боплаб таъзирларингни бериб қўяй! Сен шишавой эса тамомсан, «Mona Liza»дек хонимчаларни бошқа бағрингда сақлолмайдиган бўласан...

Шартта шкафдан катта сирли тоғорани олиб, унга «Mona Liza»ни ётқиздим-да, болғача билан нақ оч биқинига туширдим. Хонимча бир «оҳ» ургандек, «пақ» этди-ю, синиқ шиша парчалари ҳар томонга сочилиб кетди.

Тоғорача қип-қизил шаробга тўлди. Унга қарайман-у, тамшанаман. Кейин шаҳд билан туриб, жилоланиб турган «хонимча»ни докадан ўтказдим: ўзиям икки чинни коса тўлди. Ошхонага ўтиб, лўлаболишга ёнбошлаганча бутун борлиқни унутиб, «Liza» хонимдан «бўса» ола бошладим. Қачон иккинчи косага ўтганимни билмайман, «Liza» хоннинг кайфими ёки меҳрими элитиб, ухлаб қолибман. Аёл кишининг ногаҳоний фарёдидан чўчиб уйғониб кетдим.

Балкондан аёл кишининг момақалдироқдек овози янгради. Овоз ўзимизнинг «Лизахон»ники эди. Эловланиб кўзимни очдим-да, балконга мўраладим — хотиним балкон бурчагидаги синиқ стулга ўтирганча бир оёғини тиззасига қўйиб олиб, бош бармоғидан сизиб оқаётган қонни тўхтатиш учун йод томизарди. Ён-атрофида қон томчилари.

— Энди кунингиз шу вино ўлгурга қолдими? Садқайи одам бўлмай кетинг! Уят-ей! Бу кунингиздан ўлганингиз яхши! Ҳамма ёқни шиша синиғига ботириб... Алкаш! Уйда ёлғиз қолди, бир балони бошлайди-я, ярамас! Эр бўлмай ҳар нарса бўлгур! Ҳозир мелиса чақириб, бериб юборайми? — дағдаға қилди хотиним. Кейин чиройли кўзларини нохуш ялтиратиб, чўнтагидан қўл телефонини чиқарди...

Юрагим шув этиб кетди. Ўзимни оқлашга сўз қайда? Ванг каллага кечирим сўраш келмайди. Хотиннинг важоҳати хунук — кўзларидан, юзларидан, қошу қовоғидан бир дунё ғазабу нафрат ёғилиб турибди. Бўрон бошланяпти. Ҳозир бир оғиз гап айтиш — алангага ёғ сепиш билан баробар. Хотин — шиша қоғозидаги ҳамиша жилмайиб қараб турадиган «Mona Liza»га сираям ўхшамайди. Унинг бу турқ-тароватиолдида «Mona Liza»нинг нафсимни чуккиллатиб, шафқатсизларча қийнагани ҳам ҳолва бўлиб қолди.

Аста туриб, балконга чиқдим. Шоша-пиша шиша синиқларини йиғиштириб, челакка солдим. Бир оёғи оппоқ докага чирмаб ташланган хотин ҳамон синиқ стулда ўтираркан, «сотка»сини қўлида маҳкам қисиб, ўша важоҳатда мени кузатар эди.

— Бошқа бўмайди, — дедим аста ерга қараганча.

— Мингинчисими бу? — дея тутақиб ўшқирди хотиним, гўё ҳар ичган қасамимни санаб юргандек. — Қасамхўр! Қасам ичишдан ҳам қўрқмайди!

Дамим ичимга тушиб, секин челакни қўлга олдим. «Чурқ» этсам қаҳри қаттиқ хотиннинг бўрони чўлу биёбонларга учириб кетиши мумкин. Эшикка етганимда юрагим ўйнаб кетди: хотиним «сотка»сида кимгадир ниманидир уқтирарди...

Челакни бўшатиб келиб ҳам уйга киришга юрагим дов бермади. Челак бўшагани билан мия турли ўйлардан бўшамади. Ростакамига мелиса чақирмаса гўрга эди...

Ана энди эсон-омон уйга кириб олсам, бош муҳарририм айтгандек, ичкиликни ташлаш ўйида, гўзал «Mona Liza» билан қандай топишганим-у қандай ажрашганим ҳақида ҳаётий ҳажвия ёзадиганга ўхшайман... Бу ёғига «қаҳрамон» хонимчалар ҳам тайин.

**Адҳам ДАМИН**

# Имкониятлар кенгаймоқда



***11102 нафар қишлоқ аҳлига тиббий хизмат кўрсатамиз. Айтиш жоизки, жамоамиз ҳар доим эл ичида бўлгани туфайли ҳамқишлоқлар билан бир оила бўлиб қолганмиз. Элдошларимиз қувончу ташвишларига шерик бўлиб, уларнинг бахтли ва фаровон турмуш кечиришига улуш қўшмоқдамиз.***

Мустақиллик туфайли аҳолининг тиббиётга, тўғрироғи, ўз саломатлигига муносабати ўзгарди. Бир пайтлар тўшакка михланиб қолгунча шифокорга мурожаат қилмаган кишилар эндиликда ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишни канда қилишмайди.

Жамоамиз ҳам аҳолига замон талаблари асосида тиббий хизмат кўрсатишга мушарраф бўлганлигини айтиб ўтишим жоиз. 2004 йилда ҚВП «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида замонавий кўринишга ва тиббий жиҳозларга эга бўлди. Эндиликда барча имкониятга эга лаборатория-диагностика, стоматология, кундузги шифохона, муолажа хоналарида талаб даражасида фаолият кўрсатяпмиз. 4 нафар врач, 22 нафар ҳамшира мудом эл хизматига шай. Шифокорларимизнинг икки нафари олий, икки нафари биринчи тоифали, ҳамшираларимиздан 7 нафари олий, 10 нафари 1 тоифа соҳибалари эканлиги уларнинг ўз устида тинимсиз ишлашидан далолат. Хусусан, олий тоифали шифокор Шакаржон Хўжаева салкам йигирма йилдан буён қишлоқ аҳлининг дардига дармон бўлиб келмоқда. У жамоамизда хотин-қизлар қўмитаси раиси, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли сифатида аёлларни ўз соғлиғига бефарқ бўлмасликка ундаб келади.

Ўз касбига масъулиятли жамоамиз билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури талабларини бажаришга кўмакдош бўляпмиз. Йилнинг ўтган даври мобайнида 2925 нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 1900 нафарида экстрегенитал касалликлар аниқланиб, 1754 нафарини соғломлаштиришга эришилди. 140 та ҳомиладор ҳисобга олинди. 124 та туғиш қайд қилинди.

**Олимбой АЛИМОВ,**
**Янгиариқ туманидаги Аваз Ўтар қишлоқ врачлик пункти мудири**

# Нок микробга қирон келтиради



***Инсонга лаззат инъом этувчи ширин мевалар ичида нок алоҳида ўринга эга.***

Нок дарахти, айниқса, ёввойиси 150-200 йил, маданийлаштирилган навлари 50-70 йил мева беради. Ер юзида нокларнинг 60 хил тури бор. Энг саралари Кавказ, Марказий Осиё, Молдовада учрайди.

Нокнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикр олимларнинг диққатини кўп вақтдан буён жалб этиб келади. Болгариянинг «Фан ва техника» журнали «Бу мева қаердан келиб қолган?» деган саволга қуйидагича жавоб беради: «Нок Грецияга Кичик Осиё ва Арманистон орқали Эрондан келтирилган». Давр ўтиши билан нокка бўлган талаб тобора орта борган. XIX асрга келиб Францияда нокнинг 900 нави кашф этилади ва у французларнинг миллий мевасига айланади.

Юртимизда нокнинг 4 та экинлаштирилган ва 4 та ёввойи тури ўсади. Унинг ёзги, кузги ва қишки навлари бор.

Нок азалдан халқ табобатида турли касалликларни даволашда қўлланилган. Қуритилган нок жароҳатни битиради. Меъда (ошқозон)ни тозалайди, ташналикни кесади, сафрони тўхтатади. Нок қоқиси ич кетишига қарши, яъни ични қотиради, йўтал хуружини пасайтиришда ажойиб малҳам. Ширасида пешоб ҳайдовчи хусусияти бор. Шираси ва қайнатмаси пешоб ҳайдаш баробарида тошларни эритади, шу билан бирга бактерияларга қарши таъсир кўрсатади. Қайнатмаси тана ҳароратини туширади, ҳазм йўли фаолиятини яхшилайди. Юрак ўйнаганда тинчлантирувчи, шаробда тайёрланган экстракти хавфли ўсмаларда яхши наф келтиради.

Қайнатма уй шароитида қуйидагича тайёрланади: бир пиёла нок қоқиси ярим литр сувда қайнатилади ва 4 соат мобайнида тиндириб қўйилади. Овқатдан олдин ярим пиёладан кунига 4 маҳал ичилади.

Мева таркибидаги арбутин моддаси турли касал қўзғатувчи микробларга қирон келтиради. Пектин ва ошловчи моддалар эса бактериялар ҳаракатини секинлаштиради. Нокнинг микробга қарши курашувчанлиги натижасида меъда-ичак йўллари, буйрак ва пешоб йўллари бактериядан тозаланади.

Нок таркибида 15 фоиз қанд, олма ва бошқа органик кислоталар, азотли моддалар, ферментлар бор. Шу билан бирга, А, С, В1, РР, фолий кислота каби дармондориларга бой.

Халқ табобатида нок эркакларнинг иккинчи юраги — простата бези шамоллашида тавсия этилади. Простатитга чалинган беморлар нок қайнатмасидан истеъмол қилишса, яхши наф келтиради. Шу билан бирга, простатит олдини олишда нок қайнатмаси ажойиб малҳам бўлади.

Нок киши қувватини оширади, юрак уришини меъёрига келтиради, кайфиятни чоғ этади ва толиқишга эм бўлади. Нок шарбати капилярларни мустаҳкамлайди. Димлаб пиширилган нок нафас йўллари, йўтал ва ўпка силига шифо бағишлайди.

«Нокни кўп истеъмол қилиш мумкинми?» деган савол туғилиши табиий. Ҳамма нарсанинг меъёри бор. Ибн Сино таъбири билан айтганда, нокни кўп ейиш қулунж (ичак деворларининг яллиғланиши, ичак оғриғи) касаллигига мубтало қилиши мумкин.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос**

# Юрак хуруж қилганда...

***Мутахассислар юрак етишмовчилигини икки турга: чап ҳамда ўнг қоринча етишмовчилигига бўлишади. Чап қоринчали юрак етишмовчилигининг характерли белгиси ҳансираш, ўнг қоринчалида эса оёқларда шиш пайдо бўлади. Юрак етишмовчилиги сурункали ҳамда ўткир ҳолатда кечиши мумкин.***



Ўткир ҳолатда касаллик жуда тез ривожланади. Тўсатдан, кўпинча тунда, тинч ҳолатда касаллик хуруж қилади. Агар бемор тунда ҳаво етишмаслигидан азият чекса, зудлик билан «Тез ёрдам» чақириши керак. Лекин кўпчилик беморлар «ўтиб кетар» қабилида иш тутиб, валидол, валокардин ичиб, вақтни ўтказишади. Ўткир юрак етишмовчилиги асорати сифатида ўпканинг шишиб кетиши ва кардиоген шок кузатилади. Бу эса ҳаёт учун хавфли омиллардан саналади.

**«СЕКИН ПОРТЛАЙДИГАН МИНА»**

Хасталик асосан юрак касаллиги бор беморларда кўп учрайди. Айниқса, юрак инфарктидан сўнг учрайдиган кардиосклероз ва атеросклероз, шу билан бирга, ревматик ва бактериал пороклар, гипертоник ва ишемик касалликларида юрак етишмовчилиги пайдо бўлади. Юрак етишмовчилиги синдроми пайдо бўлиши хавфи қандли диабет, умуман эндокрин тизими хасталикларида ҳам кузатилади. Бир сўз билан айтганда, юрак етишмовчилигини қўзғатувчи омиллар жуда кўп.

Хасталикнинг асосий белгиларидан бири юқорида айтилганидек, оёқдаги шиш ва ҳансирашдир. Бундан ташқари, хасталикни юракнинг тез уриши, салга чарчаш, ҳолсизлик, ҳатто озгина ҳаракат қилганда ҳам тирноқларнинг кўкариши, оёқ-қўлнинг музлаши, рангининг ўзгаришидан ҳам билса бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сурункали юрак етишмовчилиги узоқ вақт яширин ҳолатда кечиши мумкин, бунда белгилар кузатилмайди. Шунинг учун бу синдромни «секин портлайдиган мина» деб аташади. Унутмаслик кераки, сурункали юрак етишмовчилиги прогрессив кечадиган ҳолатдир.

2-3 километрлик масофада тез юриб ўтган (масалан, 50 ёшли) кишида бирданига ҳансираш, ҳаво етишмаслиги сезилади. Бундай ҳолатда, тезда шифокорга учрашиш керак! Лекин ҳаётда бунинг тескариси кузатилади. Аксарият кишилар бунда тезликни камайтириб, секин юришга ўтишади. Кейинчалик бемор озгина масофада юрганда ҳам ҳансирайди. Шу ўринда бир мисол: маҳалламиздаги кекса, ҳурматли отахон Абдулла ака ўз уйидан Кўкча масжидига авваллари тез юриб чиқар эди. Кейинчалик ўрта меъёрда, сўнгра секин юрадиган ҳамда ҳансирайдиган бўлиб қолди. Бироз вақтдан сўнг уйидан масжидгача 10 марта тўхтаб, нафасини ростлаб келадиган бўлди. Охири бўлмади, шифокорга мурожаат қилди, лекин минг афсуски, вақт ўтган эди.

Шунинг учун ҳам юрак етишмовчилиги синдроми билан ҳазиллашманг. Маълумки, ҳар қандай касаллик, айниқса, юрак етишмовчилиги синдромини ҳам илк даврда самарали даволаш мумкин. Кўпинча хасталикнинг ривожланиши юрак ритмининг бузилиши билан бирга кечади.

**ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

Биринчи навбатда бундай беморлар жисмоний меҳнат меъёрини чеклаши керак. Оғир юк кўтариш, югуриш, зўриқиб меҳнат қилиш ман этилади. Иккинчи ечим парҳездир. Бунда бемор ош тузи истеъмолини камайтириши лозим. Бир кунлик ош тузи миқдори 4 граммдан ошмаслиги керак.

Юрак етишмаслиги билан оғриган бемор суюқлик ичишни чеклаши керак. Лекин шифокорнинг тавсиясини нотўғри тушуниб, беморлар сув миқдорини кескин камайтириб қўйишади, бу албатта нотўғри. Инсон бир кунда 1,5 литр суюқлик қабул қилиши лозим. Бизнинг иссиқ иқлим шароитида 2 литр сув ҳам кам.

Аччиқ чой беморга зарар, кофе ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, шўр, аччиқ, ёғли таомлардан ҳам тийилган маъқул.

**ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ**

1. Бир коса малина мевасини 1 литр иссиқ сувга солиб, 10 дақиқа қайнатилади, кейин сузиб олинади. Қайнатмага 3 ош қошиқ тоза асал қўшиб ярим пиёладан кунига 3 марта ичилади.

2. Бир чой қошиқ тоза асални кунига 3 марта сут, творог, бўтқалар билан истеъмол қилиш яхши самара беради. Қайноқ чойга асал қўшиб ичиш зарарли. Чунки бемор кучли терлайди, бу эса юрак тизимига салбий таъсир кўрсатади.

3. 1 чой қошиқ ялпизни бир пиёла қайноқ сувга солиб, ярим соат дамланади. Сузиб олинган дамламани ярим пиёладан овқатдан олдин ичиш керак.

4. Юрак етишмовчилиги касаллиги профилактикаси пайтида чекиш ман этилади. Одам қанчалик кўп сигарет чекса, юрак етишмовчилиги хавфи шунчалик ортади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, чекиш натижасида тромбоз вужудга келади, юрак ритми бузилади.

Бемор поликлиникада доимий назоратда бўлиши, шифокор-терапевт билан маслаҳатлашиб даволаниши керак. Ўзига ўзи табиб бўлиш оғир асоратга олиб келиши мумкин.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**



# Ҳайрат ва ҳаяжон байрами

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрада фестивали жорий йилда «Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир» шиори остида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётганлиги кўпчиликка маълум. Тадбирларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан олти юзга яқин уй бекалари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, талаба қизлар қатнашаётганлиги эътиборга моликдир. Аслида ҳам юрт файзи, миллат давомийлиги, баркамол авлод келажаги аёлнинг соғлиғига боғлиқдир.

Юртимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган фестивал қатнашчилари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуаси ва «Универсал» спорт саройида бўлиб ўтган мусобақаларда спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада каби турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Мен бу фестивалда дартс спорт тури билан қатнашмоқдаман, — дейди. Андижон вилоятидан келган Маҳмуда Саматова. — Касбим — ўқитувчи. Иқтисод фанидан дарс бераман. Ёшлигимдан волейболга қизиқардим. Энди эса, дартс спорт тури билан шуғулланаяпман. Дартснинг инсон соғлиғига фойдали жиҳати шундаки, у фикрни бир нуқтага жамлашни ўргатади. Шу билан бирга, кишидан уддабуронлик ва мерганликни талаб қилади.

Юртимизда аёлларимизга катта эътибор берилиб, шундай фестиваллар ташкил қилишгани учун мутасаддиларга миннатдорчилик билдираман.

— Аёллар спорт фестивалида волейбол бўйича иштирок этиш учун Қорақалпоғистондан келдим, — дейди Амударё туманидаги 28-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Гулнора Қаландарова қувонч билан. — Йилдан йилга аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик юксалиб бормоқда. Фестивалга қатнашишдан мақсад ўрин олишгина эмас, балки дўстлар орттириш ҳамдир.

Спорт фестивалида ҳеч ким мағлуб бўлмади ҳисоб. Буни иштирокчиларнинг юз-кўзларидаги миннатдорлик ва мамнунлик туйғуларидан англаб олса бўлади. 500 нафар иштирокчининг барчаси ҳамкорларнинг совғалари билан тақдирланишди. Энг асосийси эса, улар ўзларининг юрт олдидаги қадр-қиммати нечоғлик баланд эканлигини юракдан ҳис қилишди. Шунинг ўзиёқ катта ғалабадир.

**Назира БОЙМУРОДОВА**
**«Ishonch» мухбири**



# Мардлар майдонда беллашди

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Алпомиш» ўйингоҳи кураш ихлосмандлари билан гавжум. Бу ерга воҳанинг барча туманларидан томошабинлар йиғилган. Мухлислар орасида хотин-қизларни ҳам учратиш мумкин. Бу эса курашнинг қон-қонимизга сингиб кетганлигидан далолат.

Дарҳақиқат, курашимиз чуқур илдиз отган дарахтга ўхшайди. Қайсики, дарахтнинг илдизи чуқур, мустаҳкам бўлса, унинг умри боқий. Ўзбек халқ эпоси — «Алпомиш» достонида, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», ибн Синонинг ноёб асарларида ҳам кураш тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Полвонларимиз мардлиги, жасурлиги, тантилиги эътироф этилган афсоналар ҳам бекорга тўқилмаган.

Кураш мусобақасини 66 кг.ли полвонлар: навоийлик Шавкат Нуров ва наманганлик Акмал Мирзаев бошлаб беришди. Бу икки полвон бамисоли шердек олишарди. Уларнинг кураши ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Майдонда гоҳ «Шавкат», гоҳ «Акмал» деган ҳайқириқлар янграб турди. Ниҳоят, беллашувда Шавкат Нуров ғолиб бўлди. Шунингдек, ушбу вазндаги полвонлар орасида сурхондарёлик Ҳасан Сафаров, тошкентлик Темур Омонов ҳам чиройли кураш тушиб, томошабинларни хушнуд қилди.

81 килограмли полвонлар кураши шиддатли тус олди. Бу вазнда иштирок этган 14 нафар полвон орасида Тошкент вилояти полвони Шуҳрат Ражапов, жиззахлик Жалолиддин Муҳиддинов, сурхондарёлик Бобомурод Рустамов рақибларидан чаққонроқ ҳаракат қилишиб, ғолиблик шоҳсупаси сари дадил одимлашди. Кураш ихлосмандлари Бобомурод Рустамов ҳамда хоразмлик довруқли полвон Санъатбек Одамбоев ўртасидаги курашни ҳаяжон билан олқишлаб турдилар. Ҳар иккиси ҳам финалга етиб олиш учун анча куч йўқотиб, жисмонан толиққан бўлишса-да, бир-бирларига йўлбарсдек ташланарди. Ғолибни интиқлик билан кутаётган мухлисларнинг «Ҳалол», «Ҳалол» деган ҳайқириғи янгради... Бу пайтда Бобомурод полвон ғолиблик нашидасини сурмоқда эди.



Кураш мусобақасининг якуний босқичида мутлоқ вазнда 12 нафар юрт орини олиб келаётган довруқли полвонлар мутлоқ ғолиблик учун курашди. Кураш гиламида қорақалпоғистонлик Шоди Маҳмадалиев, Фахриддин Хидирқулов (Тошкент вилояти), бухоролик Аваз Раҳмонов ғолиблик учун анча тер тўкди. Айниқса, полвонлар Иномжон Тўхтаев, Комил Бозоровнинг кураши олқишларга бой бўлди.

Навбат мусобақанинг энг ҳаяжонли дақиқасига етиб келди. Қорақалпоғистонлик полвон Шоди Маҳмадалиев мутлақ вазнда ғолиб деб топилди. Шунингдек, мусобақада 66 кг. вазндагилар орасида Темур Омонов (Тошкент вилояти), 73 кг. вазнда Ғафур Мухторов (Сурхондарё), 81 кг. вазнда Бобомурод Рустамов (Сурхондарё), 90 кг. вазнда Элбурс Соатов (Қашқадарё), 100 кг. вазнда Умид Жўраев (Сурхондарё) ғолиб бўлди.

Шундан сўнг ташкилотчилар томонидан мусобақа совриндорлари ва ғолиблари муносиб тақдирланишди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Алпомишлар юрти Сурхондарёда ўз кучига ишонган номдор полвонлар жуда кўп. Бу воҳада яшовчи етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир киши кураш қонун-қоидаларини яхши билади. Шуни ҳисобга олиб, вилоятимиз вакилларини курашга пухта тайёрладик. Улар чиройли кураш тушиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди.***

# Эл олқиши мадад бўлди

Сурхондарёлик мухлисларнинг менга ёққан томони, улар қайси полвон чиройли курашса, ҳалоллик сари интилса, ўша спортчини олқишлашаяпти. Бу эса полвонлар баҳсини бошқараётган ҳакамларга ҳам, гиламга чиққан спортчиларга ҳам далда бўлиб, майдонда ўзбек курашининг бетакрор жозибасини намойиш этишга имкон туғдирди.

Шогирдларимнинг пухта ҳозирлик кўргани, мураббийларнинг меҳнати зое кетмади. Бир йўла беш нафар спортчимиз ярим финалгача бўлган беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, рақиблари курагини ерга тегизишди. Вазни 66 килограмли полвонлар баҳсида Темур Омонов ярим финалгача уч нафар рақибини ҳалол йиқитди. 73 килограмм оғирликдаги курашчилар беллашувида Шерзод Расулов икки спортчини ортиқча эътирозларга ўрин қолдирмай зафар қучди. Шуҳрат Ражабов ва Жонишод Файзиев ҳам гиламда анча тер тўкиб, ярим финалга йўлланма олишди. Вазни оғир спортчилар баҳси ҳамиша қизиқарли ва ҳаяжонли кечади. Катта ҳамда маҳоратли полвонлар билан гиламга чиққан курашчимиз Фахриддин Хидирқулов юзимизни ерга қаратмади. Навбати билан уч нафар рақибини енгиб, ярим финал йўлланмасини нақд қилди. Шубҳасиз, терма жамоамиз спортчилари ярим финал баҳсларини ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, ғолиблар сафидан ўрин эгаллашди.

Айтиш керакки, ташкилотчилар Термиз шаҳрида ЎзКУФК соврини учун ўтказилаётган финал босқичи мусобақаларига ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўришибди. Меҳмонлар, полвонлар ва ҳакамлар учун ҳамма шароит ва қулайликлар муҳайё. Мухлислар билан «Алпомиш» ўйингоҳи тўлиб тургани сурхондарёликлар курашни нақадар севиши ва қадрлашидан нишона.

**Акрам ШЕРДОНАЕВ,**
**Тошкент вилояти КУЖТСЖ раиси**

# Полвоннинг иқрори

***Ҳар бир мусобақа полвон учун синов. Курашчининг нимага қодирлигини, эпчиллигини, довюраклигини, ўзига хос услубини элга намоён этадиган жараён.***

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида кураш бўйича нуфузли турнирлар, халқаро мусобақалар ўтказилган. Мазкур мусобақага пухта ҳозирландик. Бу ерга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан таниқли полвонлар ташриф буюрганининг ўзи мусобақа нуфузи ва обрўсининг юксак эканини кўрсатиб турибди. Шу баҳонада Хоразм, Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарёдан келган эски рақиблар билан учрашдик ва яна бир карра бел олишиб, ўз маҳоратимизни, энг муҳими, кураш санъатини элимизга намойиш этдик.

Ярим финалгача бўлган баҳсларда тўрт нафар иқтидорли спортчилар билан беллашдим. Айниқса, ёшларнинг маҳоратига, дадил ҳаракатларига қойил қолдим. Эски рақиблардан бири Санъатбек Одамбоев мени кўп тер тўкишга мажбур қилди. Ёши қирқдан ошган бўлса ҳам ҳамон билаги кучга тўла Санъатбек билан гиламда баҳслашиш ҳар қандай полвонни довдиратади. Озгина бўш уринсангиз, Санъатбекни йиқитиш қийин. Белгиланган вақтда тенг олишдик. Фақат сирли услуб эвазига Санъатбекни енга олдим.

Сўзимнинг охирида айтадиган тилагим шуки, аввало, юртимизда тинчлик бўлсин. Тинчлик ҳукмрон бўлса, бугунгидек нуфузли мусобақалар бот-бот уюштирилаверади.

**Бобомурод РУСТАМОВ,**
**мусобақа иштирокчиси**

# 17 миллиардлик даъво



*АҚШ ҳукумати мамлакатнинг сувни ифлосланишдан сақлаш қонунига биноан, Мексика кўрфазидаги ҳалокат учун «British Petrolium» компаниясини судга беришни режалаштирмоқда.*

Бу иш бўйича тўланадиган максимал жарима миқдори кўрфаз сувига тўкилган ҳар бир баррел нефт учун 4300 долларга тенг бўлиши мумкин. Бу ҳолда жариманинг умумий миқдори 17,6 млрд. долларни ташкил этади.

АҚШ адлия вазирлигининг қайд қилишича, мамлакат ҳукумати экологияга етказилган жиддий зарар учун «British Petrolium» компаниясини товон тўлатишга эришиш ниятида.

Агар суд компаниянинг АҚШ қирғоқларидаги нефт платформасида юз берган ушбу ҳалокатни эътиборсизлик ва масъулиятсизлик оқибатида юз берган деб топса, иш бўйича жарима максимал миқдорда тўланади. Акс ҳолда, ҳар бир баррел нефт учун жарима 1100 доллар бўлади.

2010 йилнинг апрел ойида Мексика бўғозида юз берган ушбу ҳалокат оқибатларини бартараф этиш учун «British Petrolium» компанияси ҳозиргача 8 млрд. доллар сарфлади. Ҳалокат оқибатида кўрилган зарар умумий ҳисобда 30 миллиарддан ошиши кутилмоқда.

# Ўғирланган тошбақа

*АҚШнинг Делавер штати полицияси «Greenbank Aquarium» ҳайвонот магазинидан ўғирланган 22 килограммли Африка тошбақасини қидирувини бошлади.*



Магазин эгаси Билли Уилямснинг сўзларига қараганда, тошбақанинг лақаби Рожер бўлиб, у магазинда 16 йилдан буён яшаб келган. 22 килограммли тошбақанинг каталигини сотиб олинганда теннис тўпидай бўлиб, у дўкон ичида эркин юрган ва ҳатто, йиллар давомида бинонинг кириш эшигини очишни ўрганган.

«Рожер эшикни танкдай суриб очарди. У жуда дилкаш эди», — дейди Уилямс. Шунингдек, у жониворнинг қаердалигини хабар қилган кишига пул мукофоти ваъда қилмоқда.

**Хабарларга қараганда, шахтада қолиб кетган 33 нафар чилилик кончини қутқариш ишлари вақтинча тўхтатилди. Бунга қутқарувчиларнинг бурғуловчи қурилмасининг синиши сабаб бўлди.**

# Қутқарув ишлари тўхтаб қолди



Қурилманинг синган қисми тоннелда қолиб кетган. Айни пайтда ишчилар уни чиқариб олишга ҳаракат қилишмоқда. Агар уни чиқариб олишнинг иложи бўлмаса, бурғулашни қайтадан бошлашга тўғри келади.

Чили тоғ-кон саноати вазири Лоренс Голборннинг айтишича, қутқарув ишларидаги бундай мажбурий танаффусларнинг содир бўлиши олдиндан тахмин қилинган ва бу ҳолат шахтёрларни кондан чиқариб олиш режасига унчалик таъсир қилмайди. Шунингдек, унинг таъкидлашича, 268 метр чуқурликда синган бурғу бўлаги чиқариб олинмагунича, ишни давом эттириб бўлмайди.



*Исроиллик олимларнинг аниқлашича, балиқларнинг кўриш қобилияти сут эмизувчиларникига яқин экан. Тадқиқот натижалари ҳақидаги мақола «Science now» журналида нашр қилинган.*

# Одамникига ўхшаш кўриш қобилияти

Тадқиқот объекти сифатида ҳашаротлар билан озиқланувчи Toxotes jaculatrix балиғи танланди. Бу балиқ ғайриоддий ов қилиш услуби билан фанда маълум бўлиб, у сув оқими бўйлаб паст учадиган ҳашаротларни уриб туширади. Мазкур зарба масофаси бир метрга етади.

Олимларнинг таъкидлашича, балиқнинг тадқиқотда аниқланган кўриш ва предметларга нисбатан ҳаракатланиш лаёқати фақат инсонда учрайди. Муаллифларнинг фикрича, ушбу тадқиқот жонзотларда предметларнинг йўналишини фарқлаш қобилияти эволюциянинг илк даврларидаёқ пайдо бўлганини исботлади.

# Энг қиммат реклама роликлари

*Германиянинг «Meedia» нашри реклама саноати тарихидаги 10 та энг қиммат видеороликлар рейтингини эълон қилди.*



Рўйхатга «Chanel No.5» канали учун машҳур актриса Никол Кидман иштирокида суратга олинган реклама ролиги етакчилик қилмоқда. 2004 йилда австралиялик режиссёр Баз Лурман томонидан суратга олинган бу ролик 20 млн. долларга тушган. Шундан 3,71 млн. доллар Никол Кидманга гонорар сифатида тўланган.

Британиянинг «Aviva» суғурта компаниясини реклама қилувчи ролик иккинчи ўринни эгаллаган. Машҳур Голливуд актёри Брюс Уиллис, актриса ва супермодел Эл Макферсон ҳамда мусиқачи Элис Купер қатнашган бу лойиҳа учун «Aviva» 13,2 млн. доллар тўлаган.

Учинчи ўринда эса «Махлуқлар келгиндиларга қарши» мултфилмининг анонси турибди. 10 млн. доллар сарфланган ушбу ролик 3D (уч ўлчамли) форматда тайёрлангани сабабли унга «Meedia» рейтингидан ўрин берилган. Бу роликни қуриш учун «Pixar» мултипликацион студияси 150 млн. дона 3D-кўзойнак тайёрлашга тўғри келган.

Кейинги ўринларда «Honda» автомобилсозлик компаниясининг рекламаси (6,2 млн. доллар), шунингдек, «Pepsi» компаниясининг 5,4 млн. долларлик рекламалари турибди. «Pepsi» рекламасида поп-қўшиқчи Бритни Спирс суратга тушган.

# *Хусусийлаштиришдан йилига 10 миллиард доллар*

***Россияда сўнгги беш йил ичида давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган фойда 50 млрд. долларни ташкил қилмоқда. Бу ҳақда Россия молия вазири Алексей Кудрин маълум қилди.***



Аввалроқ Россия ҳукумати 2011-2013 йилларда сотувга қўйиладиган энг йирик давлат компаниялари рўйхатини тузган эди. Шунингдек, иқтисодий ривожланиш вазирлиги раҳбари Эльвира Набиуллина хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ миқдори уч йил ичида 700 миллиард рублга етиши мумкинлигини маълум қилди.

Мамлакат молия ва иқтисодий ривожланиш вазирликлари 11 та йирик активлар рўйхатини тузди. Ушбу рўйхатдан «Роснефт», «Транснефт», «Совкомфлот», «Россельхозбанк», «Росагролизинг», «Росспиртпром», «РусГидро» ва бошқа йирик компаниялар ўрин олган.



# 200 минг компютерли тармоқ

***Европада жами 30 та мамлакат ҳудудида жойлашган 200 минг дона компютердан иборат тармоқ ишга туширилди. Европа комиссияси матбуот хизмати хабар қилишича, у мураккаб илмий ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланилади.***

«European Grid Infrastructure» (EGI) лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган ушбу тармоқ илмий мақсадлар учун қўлланадиган дунёдаги энг йирик ҳудудий тарқоқ тармоқ ҳисобланади. Бу тармоқ ёрдамида атроф-муҳит ҳимояси, соғлиқни сақлаш ҳамда энергетика билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилиши кўзланмоқда.

Лойиҳа бюджети 73 млн. еврони ташкил қилиб, шундан 25 млн. Еврокомиссия бюджетидан белгиланади.

Маблағнинг қолган қисми Европа иттифоқига аъзо давлатлар томонидан ажратилади.

**Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади**

Ishonch 2010-yil 16-sentabr
№ 114 (2839)

Кичкина деманг бизни...

# Мактабни битириб, университет дипломини олди

***АҚШнинг Айова штатида яшовчи 18 ёшли Маттиас Гассман мактабни битирганига икки ҳафта ўтмай университет дипломини ҳам қўлга киритди. Маълум бўлишича, Маттиаснинг ота-онаси унга ёшлигиданоқ уй шароитида таълим бериб келишган. 11 ёшида у Авойо давлат университетида лотин тилидан дарс ола бошлаган. 14 ёшида эса олий таълим машғулотларини мактаб дарслари билан параллел равишда бажара бошлади.***

Гассман университетда 232 та имтиҳон ва назорат ишлари топширган. Бу бир талаба учун икки баробар кўп демакдир. Эндиликда у бирданига бир неча йўналиш бўйича мутахассисликни қўлга киритади. Унга бакалавр йўналиши бўйича биофизик, немис тили ва гуманитар фанлар мутахассислиги дипломлари берилади.

Ота-онасининг айтишича, Маттиас муддатидан олдин, яъни етти ойлик чоғида туғилган. Шунинг учун 3 ёшга тўлгунча, яшаб кетишига унчалик ишонишмаган.



Турфа олам, турфа одамлар

***Тиниб-тинчимаган одамлар, яна нималарни ўйлаб чиқаришади-я? Буни қарангки, Германиянинг Геппинген шаҳрида яшовчи бир оила ҳозирги замонавий дунёнинг барча қулайликларидан воз кечиб, бронза давридаги кулбаларда яшашни режалаштирмоқда.***

# Музейда тирик экспонатлар

Ўн кун мобайнида ота-она ва уларнинг икки фарзанди археология музейининг тирик экспонати вазифасини бажаради. Бу давр ичида Борнгриберлар оиласи бундан уч минг йил олдинги бронза даврида «мода» бўлган кийимларни кийишади, ўша пайтда бўлган озиқ-овқатларни тановул қилишади ва кулбаларда яшашади.

47 ёшли Маргарет, 46 ёшли Отто ва уларнинг фарзандлари: 15 ёшли Анна ҳамда 13 ёшли Стефан бу лойиҳа учун икки йилга яқин вақт мобайнида тайёрланишди. Музей ходимининг сўзларига қараганда, бундан кўзланган мақсад бронза даврида яшаган одамларнинг ҳаёт тарзини бир оила мисолида ўрганишдан иборатдир.

— Бу жуда ҳаяжонли. Биз бор кучимиз ва меҳнатимизни уч минг йил олдин яшаган одамларнинг ҳаёт тарзини ўрганишга сарфлаяпмиз, — дейди касби ўқитувчи бўлган Маргарет.

Bad Buchau археология музейи директори Ралф Баумайстернинг айтишича, ғайриоддий бу лойиҳага жамоатчилик муносиб баҳо беради ва уни яхши кутиб олади. Музейга ташриф буюрувчилар ойна орқасидаги бўм-бўш кулбалар ва ясама одамларга қараб зерикди. Ўйлаймизки, «тирик экспонатлар» бронза даври ҳақида яхши таассурот олишга имкон беради.

Рекорд

# Эверестни забт этган қария

***Непаллик Мин Баҳодир Ширчан 76 ёшида дунё устуни — Эверестни забт этишга муваффақ бўлди.***



Қария фақат бу билан чекланиб қолмай, энг узоқ яшаётган алпинист «унвон»ига ҳам эришди ва 71 ёшида Эверестга чиққан япон алпинистининг рекордини янгилади.

Мин Баҳодир Ширчан тоғ кузатувчиси ёрдамида чўққининг энг баландигача кўтарилган, деб хабар беради мазкур давлат туризм вазирлиги вакили Рамиш Четри. Унинг сўзларига кўра, ўша ерда ҳам алпинист ўзини яхши ҳис қилган.

Маълумки, Эверест чўққиси Ҳимолай тоғида, Непал ва Хитой чегара ҳудудида жойлашган. Чўққини биринчи бўлиб 1953 йил 29 майда Тэнцингом Норгеэем ва Эдмунд Хиллари забт этган эди.




ҲИКМАТ

Бир неча нарса борки, амалга оширмаса, фойда бўлмайди: айтилган сўз бажарилмаса, ундан фойда йўқ; тиричилик учун фойдаланмаса, тўпланган бойликдан фойда йўқ; ўртада тенглик ва холислик бўлмаса, қилинган суҳбатдан фойда йўқ; соғлик ва саломатлик бўлмаса, ҳаётдан фойда йўқ.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлади.

Куз манзаралари

# Хазонлар хатини ўқидим...

Боғ оралаб оҳиста борар эканман, хазонлар хатини ўқиётгандайман. Улар гўё инсон умридан сабоқ бераётгандай...

Кечагина баҳор шамолида яшнаган эрка япроқлар бугун куз шамолига эрмак. Хазонлар шивири қайсидир ошиқнинг ишқ тўла қалбидан чиқаётган нолага ўхшайди...

Бешафқат шамоллар хазонларни супуради.Бундан зорланган хазонлар қуёшга арз этгандай, осмонга булутлар сайқал бергандай, шамоллар йўл излаётгандай назаримда.

*Дарахтлар муножотга қўлин чўзгандай,*
*Боғлар йўқотгандай энг сўнгги гулин.*
*Турналар айтгандай видо қўшиғин,*
*Кўнгил дарёлари олар экан тин —*
*Хазонлар хатини ўқидим.*

Аслида ҳар бир инсон хазонлар хатини ўқиса, уларнинг ҳикоясини эшитса, ял-ял ёнаётган орзу-умидларнинг гўзаллигини ҳис қилса, кўнглида ҳеч қачон куз бўлмайди. Баҳор тароватини уни тарк этмас.

Бугун ҳам ёшариш, яшаш иштиёқида хазонлар хатини ўқияпман. Йўлаклар узра хазонларнинг ғамгин, бежавоб хатлари сочилиб ётибди. Сиз ҳам қиш ва кузнинг оралиғида хазонлар хатини ўқинг... Уларда ибтидо бор, уларда интиҳо бор.

**Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА**

МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши Миллий авиация спорт клубига тегишли 04.02.2010й. № 003355-08 сонли Низомга киритилган ўзгаришлар матни йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб: Ж.Шарофбоев

Навбатчи: А.Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ: С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Буюртма Г— 851

Тиражи: 11449

ISSN 2010-5002

2 3 4 5